БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (942)
29 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Пахта териш машиналарини пухта тайёргарлик билан ишга солайлик!



«Малик» совхозида бу йил 3 минг тонна, яъни етиштирилган ҳосилнинг деярли ярмиси машинада териб олинади. Ҳозир совхозда машинада пахта териш бошлаб юборилди. **Суратда:** СХМ-48М машинаси билан совхознинг 1-бўлимида пахта терилаётир. **Б. Мазур** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси.).

Теримчиларга маданий-маиший хизматни янада яхшилайлик

Ҳозир областимиз меҳнаткашлари мамлакатга 500.000 тонна оқ олтин териб бериш иштиёқида фидокорона меҳнат қилаётирлар. Шунинг учун ҳам қишлоқда маданий-маиший хизматни ҳар қачонгидан ҳам яхшилаш лозим, чунки совет кишиларининг диди, маънавий қиёфаси, маданий эҳтиёжлари тобора ўсиб, юксалиб бормоқда.

Партия ва ҳукуматимиз аҳолига медицина, маданий ва савдо хизматини яхшилаш учун доимо катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Халқнинг бойлиги, фаровонлиги тинмай ўсган сари, маданий-маиший эҳтиёжлар учун катта маблағлар сарфланаётир.

Ҳозир Тошкентдан ташқари областимиз шаҳар ва қишлоқларида 32 маданият уйи, 208 клуб, 190 ўқишхона, юзларча шаҳар, район, колхоз кутубхоналари, кинотеатрлар, колхоз радиоузеллари ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ область колхозлари 34 клуб, бу йил эса 12 клуб, кутубхона, ёзлик кинотеатр қуриб олдилар. Верхне-волинск районидаги «Победа» ва Сталин номли колхозларнинг ҳар бири 1 миллион 600 минг сўмдан пул сарфлаб, маданият уйлари қуриб олдилар. Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бекобод районларидаги бир қатор колхозларда ҳам маданий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган.

Ўз ишларини шу куннинг талаблари асосида қайта қурган кўпгина маданият уйлари, клублар меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, кўнгилочар ўйинлар билан хушнуд бўлиши учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Область маданият бошқармаси пахта йиғим-терими даврида қишлоқ маданий муассасаларига ёрдам бериш учун уч агитмашинани жойларга юборди, махсус бадиий ҳаваскорлик коллективи тузди, сайёр китоб дўкони, 10 кўчма кутубхона ташкил этди. Уйғур номли область драматик театри, Мирзачўлдаги колхоз-совхоз театри ва Тошкент санъаткорлари кучлари билан тузилган концерт бригадаларининг районларга гастроллари планлаштирилди. Областда ишлаб турган 63 кўчма киноустановка колхоз, совхоз ва МТСларга бириктириб қўйилди, 44 стационар қишлоқ киноустановкаси кўчма ҳаракатга мослаштирилди.

Лекин шунга қарамай, ҳали кўпгина маданият уйлари, клублар ишида жиддий камчиликлар бор. Айрим колхозларнинг раислари, МТС, совхозларнинг директорлари маданий-оммавий ишларга асло эътибор бермайдилар, мавжуд клублардан омбор, ётоқхона ўрнида фойдаланадилар, бадиий ҳаваскорлик ҳаракатига тўсқинлик қиладилар, олинган чолғу асбобларини қулфлаб қўядилар. Масалан, Оҳангарон районидаги собиқ «Қизил Ўзбекистон» колхозида 300 кишилик клуб, колхоз радиоузели, бой китоб фондига эга бўлган кутубхона бўлиб, уларда маданий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган эди. Лекин колхоз 1-«Оҳангарон» совхозига қўшилгач, клуб қаровсиз қолдирилди, ойналари синди, скамейкалари йўқола бошлади, ҳаваскорлик тўгараклари тарқалиб кетди, кутубхона бекитилди, радиоузел ишламай қўйди. Совхоз директори Кошкин, партия ташкилотининг секретари Зокиров, ишчилар комитетининг раиси Х. Ўролов ўртоқлар меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қиладиган ана шу имкониятлардан фойдаланиш ўрнига маданий-оммавий ишларни ўтказишга эътиборсиз қарамоқдалар. Айрим жойларда эса колхоз раҳбарлари маданий-оқартув ўчоқларини кенгайтиришни истамаётирлар. Жумладан, Ўртасарой районидаги «Северний маяк» колхози 1956 йилда 13 миллион сўм даромад қилиб, шундан икки процентини маданий ишлар фондига ажратган бўлишига қарамасдан, бу ишларга бир тийин ҳам сарфламаётир.

Кўп жойларда радиоузелдан ёмон фойдаланилади. Колхоз клубларидан фақат кинотеатр ва танца майдони сифатидагина эмас, балки илғор теримчилар, новатор механизаторлар билан қизиқарли учрашувлар, концерт, спектакль томошалари бўладиган, актуал темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиладиган маданий муассаса сифатида ҳам фойдаланиш лозим.

Пахта йиғим-терими даврида аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш лозим. Маълумки, бу даврда далаларда одамлар бир неча бор кўпаяди. Шунинг учун қўшимча медицина пунктлари, санитария постлари тузиш, областимиздаги мавжуд медицина муассасалари ишини яхшироқ ташкил этиш, колхоз ва совхоз марказларида врачлик пунктлари ташкил этиш талаб этилади.

Шу билан бирга медицина хизмати савиясини янада кўтариш, касалликларнинг олдини олиш, беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактика ишларини яхшилаш соҳасида ҳали кўпгина ишлар қилинмоғи керак.

Шунингдек, болалар боғчалари, яслилари ишларини янада яхшилаш, уларнинг тармоғини кенгайтириш зарур. Болали аёлларнинг унумли ишлашлари учун айниқса яслиларни бевосита дала шийпонларига, иш жойларига яқинлаштириш лозим.

Теримчиларга маданий-маиший хизматнинг таркибий қисми — умумий овқатланишни ҳамда совет савдосини яхшилаш—муҳим вазифадир. Айниқса туш пайтларида марказлашган овқатланиш методини кенг қўлланиш катта аҳамиятга эга. Район матлубот жамиятлари зиммасига озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериб туришдек муҳим вазифа юклатилади.

Шуни унутмаслик керакки, маданий ва маиший хизматнинг савияси нақадар юксак бўлса, иш унуми шунча юқори бўлади. Киши ўз вақтида овқатланса, унинг кучига-куч қўшилади, вақти тежалади, қанчалик яхши, хушчақчақ дам олса ғайратига ғайрат қўшилади, медицина ёрдамини ўз вақтида олса меҳнат қобилияти тез тикланади. Шунинг учун маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, район маданият, соғлиқни сақлаш бўлимлари, савдо органлари теримчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қилишлари лозим.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Адигей автоном областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Адигей халқи Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 400 йиллигини нишонлаб ҳамда Адигей автоном областининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини тақдирлаб, **Адигей автоном области Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1957 йил 27 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Қорачой-Черкес автоном областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Қорачой-Черкес халқларининг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 400 йиллигини нишонлаб ҳамда Қорачой-Черкес автоном областининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини тақдирлаб, **Қорачой-Черкес автоном области Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1957 йил 27 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАР ЙИЛГИ «МЕТАЛЛУРГ КУНИ» БАЙРАМИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**
«Металлург куни» байрами белгилансин.
«Металлург куни» ҳар йили июль ойининг учинчи якшанба куни байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1957 йил 28 сентябрь.

ЯПОНИЯ СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Япония социалистик партиясининг Москвага келган делегацияси 27 сентябрда КПСС Марказий Комитетида қабул қилинди.

Шу муносабат билан бўлган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари А. И. Микоян ва М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат ва Марказий Комитет секретари П. Н. Поспелов ҳамда Япония социалистик партиясининг вакиллари Тэцу Катаяма, Тадатака Сата, Кацудзиро Нагаи, Сициро Мацумото, Иоици Ямато, Эйтаро Накаи, Юдзо Авайя ва Тисато Татэбаяси (делегация секретари) ўртоқлар қатнашдилар. Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси академик М. Б. Митин, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Д. П. Шевлягин ва В. В. Ковиженко ҳозир бўлдилар.

Ўртоқлик, самимий вазиятда ўтган суҳбат вақтида делегацияни қизиқтирувчи масалалар устида ва делегациянинг Совет Иттифоқи халқларининг турмуши ва муваффақиятлари билан танишмоқ учун қилинадиган бундан кейинги ишлари тўғрисида умумий фикр олишув бўлди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ Э. РУЗВЕЛЬТ ХОНИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ЯЛТА, 27 сентябрь (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев Америка жамоат арбоби, Америка Қўшма Штатлари марҳум президенти Франклин Д. Рузвельтнинг рафиқасини — Совет Иттифоқи бўйлаб туристлик сафари қилиб юрган Элеонора Рузвельт хонимни қабул қилди.

Қабул вақтида Н. С. Хрушчев билан Э. Рузвельт ўртасида суҳбат бўлиб, бу суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

28 сентябрда «ТУ-104» самолетида СССР Олий Советининг делегацияси Москвадан Пекинга учиб кетди. Делегацияга Иттифоқ Совети Қонун лойиҳалари комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов бошчилик қилмоқда. Совет делегатлари Хитой Халқ Республикасига Халқ вакиллари Бутун Хитой мажлисининг таклифига биноан жавоб визити билан жўнаб кетдилар.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари И. В. Абашидзе, Б. Ф. Омонова, К. Отаев, Ф. Ю. Аҳмедова, И. И. Бережков, В. Р. Боянова, И. И. Булавас, А. П. Волков, Д. Искандаров, Ф. Карибжонов, И. Ф. Климов, П. С. Козланюк, В. И. Конотоп, А. Е. Кочинян, И. К. Лебедев, А. Г. Макридина, А. С. Маленкин, А. И. Мальцев, Р. Медетбеков, М. В. Паничева, З. Н. Сабитова, Е. П. Силина, Б. З. Танасевский, И. Г. Эйхфельдлар бор.

Хитой Халқ Республикасида бўлгандан кейин СССР Олий Советининг делегацияси А. Б. Аристов (делегация бошлиғи), И. И. Бережков, В. Р. Боянова, Д. Искандаров, П. С. Козланюк, И. К. Лебедевлардан иборат составда Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг таклифига мувофиқ Вьетнам Демократик Республикасига боради.

Айни вақтда СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин ҳам Пекинга учиб кетди. (ТАСС).

УКРАИНА ССР ДАВЛАТГА 400 МИЛЛИОН ПУД ҒАЛЛА ТОПШИРДИ

Украина ССР нинг колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари, партия ва совет органлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга оширабориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллик байрами шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб давлатга дон топшириш планини (жуҳоридан ташқари) муддатдан илгари бажардилар.

Давлатга 400 миллион пуд дон топширилди ва закупка қилинди ёки ўтган йилнинг шу вақтига қараганда 128 миллион пуд ошиқ ғалла топширилди. Тайёрлов пунктларига 335 миллион пуд сифатли буғдой келтирилди. (ТАСС).

ОЛТОЙ ҒАЛЛАКОРЛАРИ 230 МИЛЛИОН ПУД ҒАЛЛА ТОПШИРДИЛАР

БАРНАУЛ, 27 сентябрь (ТАСС). Олтой ўлкасининг далаларида ўрим-йиғим тамом бўлмоқда. Донни хирмонлардан узлуксиз ташиб олишга асосий диққат берилмоқда. Ўлканинг колхоз ва совхозлари Ватанимизнинг омборларига 230 миллион пуд ғалла (асосан буғдой) топширдилар. Поспелихин районининг ғаллакорлари қўриқ ерларда мўл ҳосил етиштириб, давлатга 11 миллион пуд ғалла топширдилар ва яна пландан ташқари ғалла топширмоқдалар. Бир қанча бошқа районларнинг колхоз ва совхозлари ҳам пландан ташқари ғалла топшираётирлар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Бўстонлиқ	2,28	24,61
Пискент	1,99	22,33
Оржоникидзе	2,15	20,93
Урта Чирчиқ	1,77	19,90
Бекобод	1,70	18,08
Юқори Чирчиқ	2,24	17,75
Бўка	1,64	16,80
Уртасарой	1,80	15,36
Мирзачўл	1,58	15,28
Гулистон	1,49	15,20
Верхне-волинск	1,55	15,09
Оққўрғон	1,51	15,05
Оҳангарон	1,69	14,49
Сирдарё	1,37	14,12
Боёвут	1,16	13,63
Октябрь	1,34	12,72
Чиноз	1,42	12,52
Янгийўл	1,62	12,48
Калинин	1,16	10,32
Қуйи Чирчиқ	0,91	7,25

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«Кўкорол»	3,43	32,10
3-«Оҳангарон»	1,66	26,33
4-«Вревский»	2,29	23,33
1-«Фарҳод»	1,62	22,95
«Дружба»	1,40	21,55
«Пискент»	2,01	20,25
«Чаноқ»	1,72	18,22
«Социализм»	2,14	17,59
1-«Далварзин»	1,61	16,14
2-«Далварзин»	1,80	15,81
Киров номли	1,59	15,40
1-«Оҳангарон»	2,0	15,0
«Мирзачўл»	1,28	14,27
Оққўрғон	1,33	12,55
«Гулистон»	1,61	12,51
1-«Боёвут»	1,02	10,85
Бушуев номли	1,35	10,83
Булганин номли	0,79	10,18
3-«Боёвут»	0,86	8,64
«Малик»	0,82	8,46
2-«Оҳангарон»	1,55	8,10
«ЎзССР беш йиллиги»	0,91	7,25

СОВХОЗ ИЛҒОРЛАРИ

«Малик» совхозининг ишчилари бу йил давлатга 6 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Совхоз коллективи бу юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун чигит экишдан тортиб то ғўза парваришигача бўлган барча ишларни бир-бирига боғлаб олиб бордилар, культивация, чопиқ ва суғориш ишларини сифатли ўтказиб, асосий майдонларда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Шу кеча-кундузда совхознинг барча бригада ва звеноларида йиғим-терим ишлари кучайтириб юборилди. Илғор бригадалар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги байрами кунигача бажариш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Совхознинг 2-бўлимида йиғим-терим ишлари айниқса қизғин бормоқда. Бу бўлимнинг Х. Жумаев, Б. Тўронов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари йил бошида бир-бирларини социалистик мусобақага чақирган эдилар. Улар эндиликда орқада қолмаслик учун ҳаракат қилиб, йиғим-терим ишларида илғорликни қўлдан бермаслик учун курашмоқдалар.

Яқинда табелчи бу бригада аъзоларининг шу кунга қадар қанча пахта терганликларини ҳисоблаб чиқди. Маълум бўлишича ўртоқ Жумаев бригадаси мусобақадош Б. Тўронов бошлиқ бригада аъзоларидан ўзиб кетибди. Ишчилар бу илғорликни мавсум охиригача сақлаб қолиш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Барча куч сентябрь ойи учун белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этилган.

Ш. ДАВЛАТОВ,
А. КЎЧАРОВ.

СУРЪАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўртоқ Р. Сулаймонов бошлиқ бригада 65 гектар пахта майдонига эга. Бригада аъзолари ғўза парваришини намунали ўтказиб, ана шу майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар ва йиғим-теримга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Бригададаги 30 га яқин теримчининг барчаси ҳам кундалик топшириқни ошириб адо этмоқда. Н. Мўминова, М. Бойпўлатов, М. Мамажонова, Қ. Холмуродова сингари кўпгина теримчилар 110-120 килограммдан пахта териб, нормани 2-3 ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Бу чевар теримчиларнинг ҳар бири мавсумда 15 тоннадан пахта теришга сўз берган.

Бригадада терилган пахта пешмапеш қуритилиб, пунктга жўнатилиб турибди. Бунда хирмонда ишлаётган колхозчилардан М. Ёриев, Ғ. Абдуваҳобов, аравакашлардан О. Қолдибеков ва шофер Ғ. Умиров ўртоқлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи, — иш суръатини тобора кучайтира бориб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни 30 октябрга қадар бажарамиз. Байрамга қадар эса яна ҳар гектар ердан 2 центнердан ҳосил топширамиз. Бу, улуғ байрамга бизнинг совғамиз бўлади.

Колхознинг Т. Хожимуротов, М. Олимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам йиғим-терим қизғин тус олмоқда.

М. АБДУРАИМОВ,
Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхоз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИНИНГ ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАРИ

Меҳрихон КОБУЛАДЗЕ — Хрушчев номли колхознинг аъзоси, мавсумда 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Кунига 180-200 килограммдан пахта тераётир. Ҳозиргача хирмонга 4 тоннага яқин пахта топширди.

Хабиба СОБИРОВА — Тельман номли колхознинг аъзоси, мавсумда камида 20 тонна пахта теришга сўз берган. Кунига 200-230 килограммга етказиб пахта тераётир. Шу кунга қадар хирмонга 4,5 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширди.

Маҳбуба БОЛТАЕВА — «Коммунизм» колхозининг аъзоси, мавсумда 15 тонна пахта териш учун курашаётир. Ҳар куни 200-210 килограммга етказиб пахта термоқда, шу кунгача 4,5 тонна пахта терди.

Файзинисо ДЕҲҚОНОВА — Калинин номли колхознинг аъзоси, мавсумда 15 тонна пахта теришга аҳд қилган, кунига 180-200 килограммдан ошириб пахта термоқда. Ҳозирга қадар 3,5 тонна пахта терди.

Салтанат ТАЙФУРОВА — Киров номли колхоздан. Мажбурияти 15 тонна. У кунига 180-195 килограммдан пахта тераётир.

Гулистонда суръатни кучайтириш учун барча имконият бор

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Маҳмудхонов кабинетда узоқ ўтирди. Бирин-кетин кириб-чиқаётганлар тугагач, район партия комитетининг 2-МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ М. Каримов билан сводкани кўздан кечиришди. Топширилмай қолган пахталар ҳисобланди. Қайси колхозда аҳвол чатоқ бўлса, махсус одам юбормоқчи бўлди. У, телефон трубкасига қўл узатиб, Бушуев номли совхозни чақирди. Телефонга келган бухгалтерга топшириқ берди:

—12 тонна пахта топширилмай қолибди, бугун 25 тонна топшириш керак. Директор йўқ, бу иш билан ўзингиз шуғулланинг. Машиналар сафарбар қилинсин!

Ижроком раиси шу сўзларни айтди-да, кабинетдан чиқди. У Карл Маркс номли колхозга кетди. Ўртоқ Жўраев бошлиқ бригадага келганимизда бригада хирмонига пахта сиғмас эди. У ҳар томонга сочилиб ётибди; хирмон кичик бўлганидан пахта қалин қилиб ёйилиб, қуриши кечикмоқда.

Ижроком раиси бу ердаги аҳволдан хафа бўлиб, шу бригаданинг иккинчи хирмонига борди. Бу ерда ҳам аҳвол чатоқ. Хирмонда Ултоевдан бошқа ҳеч ким йўқ. У, 60 қанорга жойланган пахтани хирмонга тўкмасдан, қанорнинг бир томонидаги ипни бўшатиб, пахтани титкилаб юрибди. Ўртоқ Маҳмудхоновнинг фиғони ошди.

— Пахтани қоплашга қоплабсизлар-у, нега бир томони ечиб қўйилди?

— Раиснинг буйруғи шундай, пунктга юборилган эди, — деди Ултоев, ҳўллиги учун қайтариб юборилибди. Раҳбарлар қанорни бўшатиб ўтирма, бир томонини ечиб қўйсанг, қуриб қолади дейишди...

— Раис келмадими, қаерда у?

— Боярок келган эди, шу томонга қараб кетди.

Колхоз раиси ўртоқ Пардаевни 6-бригададан ҳам, бошқа жойлардан ҳам тополмадик. У уйида экан.

— Нима қилаяпсизлар аҳир, ҳозир уйда ётадиган пайтми?

Раис кўзини уқалаб қўяқолди.

— Хирмонлар тўла пахта, лекин топшириш ёмон.

— Аҳир нима қилай, 12 тонна пахта қайтиб келди?..

— Пахта қуритилмасдан юборилса, қабул қилмайди-да.

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Маҳмудхонов билан колхоз раиси ўртоқ Пардаев ўртасида бўлган савол-жавобдан колхозда пахта териш ва давлатга топшириш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлигини пайқаб олиш қийин эмас эди. Ўртоқ Маҳмудхонов колхоз раисининг мужмал жавобларини эшитди-да, бир нима демай, яна қайта берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент область колхоз ва совхозларида пахта териш ва тайёрлашнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхозда ҳар куни йиллик планнинг камида 5 процентини миқдорида пахта териб олиш имконияти борлиги кўрсатилган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо колхоз раиси Пардаев, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ли Александр ўртоқлар пахта териш ва тайёрлашга бепарволик билан қараб, теримчиларнинг ишини тўғри уюштирмаганлар, пахтани қуритишдек муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганларидан хирмонларда тонналаб пахта чўкиб қолмоқда. Ўртоқ Пардаев 3-бригаданинг тушдан кейин терилган пахтасини қуритмасдан пунктга юборишга буйруқ берган. 6800 килограмм пахтанинг намлиги 10 процентга яқин бўлганлиги сабабли қабул қилинмай қайтарилган. Колхоз раҳбарлари ҳар куни 45-50 тонна пахта топширишга ваъда берадилар-у, бу ваъдаларини бажармайдилар.

Район марказидаги «Красний Восток» колхозида ҳам пахта териш ва давлатга топшириш ҳаддан ташқари қониқарсиз аҳволда. Колхоз шу кунларда ҳар куни давлатга 41 тоннадан ошириб пахта топшириши керак. Теримчиларнинг иши тўғри уюштирилса, колхоз бундан ҳам орттириб пахта етказиб бера олади. Колхоз раиси А. Носиров, бошланғич партия ташкилотининг секретари Хегей Чан-юн ўртоқлар пахта териш ва давлатга топширишнинг сустлигига пахта очилмаётганини баҳона қилмоқдалар. Аслида бундай эмас. Колхоз даласида лўппа-лўппа бўлиб очилган кўсакларнинг сони кун сайин кўпаймоқда.

Терим суръатининг пастлигига сабаб пахтанинг очилмагани эмас, аксинча, теримчилар учун қулай иш шароити яратиб берилмаганидир. Далада сиёсий-оммавий ишлар йўлга қўйилмаган, бригада шийпонлари жиҳозланган эмас, ясли, боғча ташкил қилинмаган. Ташкилий ва тарбиявий ишлардаги жиддий нуқсонлар пахта териш суръатини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Райондаги колхозларда ҳосилни нобуд қилиш фактлари ҳам кўплаб учрайди. Пахта чаноғида қолдириб кетилаётир, ерга тўкилган пахта териб олинмайди, этаклардан ҳам кўплаб пахта тўкилаётир. Карл Маркс номли колхозда миқдор кетидан қувиб, хом пахта термоқдалар. Касал кўсаклардан терилган пахтани ажратмай, биринчи сорт пахтага аралаштирилаётир.

Хом пахта териш айниқса Крупская номли колхозда авж олиб кетган. Бу колхознинг 24 сентябрда пунктга келтирилган 4900 килограмм пахтаси кўсаклардан ситиб олинганлигидан намлиги 12,04 процентга етган ва қабул қилинмай қайтарилган. Бундай аҳвол бошқа колхозларда ҳам такрорланаётир.

Пахтани ташиш, қуритиш ва қоплашда ҳам нобудгарчиликка йўл қўйилаётир. Аравакаш, шоферлар ҳам пахтани тўкиб-сочиб кетаётирлар. Район марказидан «Красний Восток» колхозининг боғи томон бир километр юриб, кўчанинг ўнг томонида машинадан тўкилган, лекин териб олинмаган бир неча килограмм пахтага кўзимиз тушди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Маҳмудхоновга бу ҳақда бир эмас, бир неча бор айтилди. Аммо машиналарнинг ғилдираклари тагида эзилиб нобуд бўлаётган пахталар териб олинмади. Колхозларга борадиган йўлларда ҳам тўкилган пахталар кўп, бироқ у териб олинмай, исроф қилинмоқда.

Колхозларда кунда терилган пахта қуритилиб топширилмаётганидан ҳамма колхозда ҳам пахта чўкиб қолмоқда. Район партия комитетининг 2-МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Каримов вакил бўлган Ленин номли колхозда бир кунда 32 тонна пахта топширилмай қолди. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Тян вакил бўлган «Красная заря» колхозида эса 45 тоннага яқин пахта пунктга жўнатилмади.

Гулистон район партия комитетининг секретари Ланговой, район ижроия комитетининг раиси Маҳмудхонов ўртоқлар жойларда кам бўлиб, пахта териш ва тайёрлашдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилмай, кўпроқ кабинетда ўтириб, телефон орқали раҳбарлик қилаётирлар. Шу сабабли район колхозларида пахта териш ва тайёрлаш суръати мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Социалистик Чирчиқ юксалиш йўлида

ЎТМИШДАН БИР ЛАВҲА

Таг-томиримиз Хондайлиқ қишлоғидан. Ота касбимиз чўпонлик. Қишлоғимиз ҳозирги Чирчиқ шаҳридан атиги беш-олти чақирим нарида эди, холос. Дўрман ёки Тошкент томонларга сафарга чиқадиган бўлсак Чирчиқни кечиб ўтардик. Ўша замонларда бу ерларнинг қалин тўқайларидан, батқоқларидан ўтиш азоб-уқубат эди...

1932 йилларда қишлоғимиздаги хат биладиганлар, Чирчиқда катта-катта заводлар, фабрикалар қурилармиш, сим чироқлар ўрнатилармиш, оташ йўли қурилиб, поезд қатнармиш деб газеталардан ўқиганларини гапириб беришарди. Тўғриси, биз Чирчиқнинг дев сувини жиловлайдиган, ғор ва жарларни текислаб юборадиган куч борлигига унча ишонмасдик. Ахир бир деҳқон бир таноб ерни бир куз, бир баҳорда аранг

ағдарарди-да. Қишлоқдагилар шунинг учун ҳам бояги гапни «бу афсона» дейишарди.

Аммо йиллар ўтиши билан Чирчиқ қиёфасининг бутунлай ўзгариб бораётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мен ҳам оилам билан буюк қурилишлар бошланган Чирчиққа кўчиб келдим. Биз билан қишлоғимиздан бошқа деҳқонлар ҳам келди. Абил Турсунбоев, Рўзи Қамбаровлар (булар мен билан бирга ишлаётир) ва бошқа дўстларим билан 1934-1935 йиллардан бошлаб бош тўғон қурилишида, Комсомол ГЭСида иштирок этдим.

Кўп қийинчиликларга дуч келганмиз. Лекин бир азобнинг бир роҳати ҳам бўлар экан. Шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб кетди. Бу ерда қанчадан-қанча завод, фабрикалар ишлаб турибди. Қадимги тўқайзорлар, ботқоқлар ўрнида дилхуш боғлар ва муҳташам бинолар бунёдга келди.

Яқинда цех бошлиғи менга, корхонамиз пландан ташқари 1300 та культиватор тайёрлаб жўнатди, деб айтди. Фақат культиваторлардан шунча бўлса, пахта чувиш, пахта териш ва бошқа агрегатлардан қанча дейсиз!

Тошпўлат ЭРГАШЕВ,

«Чирчиксельмаш» заводи 1-цехининг пескоструйшчиги.

СОВНАРХОЗДАН МИННАТДОРМИЗ

—Тахминан бундан 17 йил илгари,—дейди биз билан суҳбатда «Электрощит» заводининг бош инженери ўртоқ Арпас Хосе,—корхонамиз ўрнида электр плиталарини ремонт қиладиган кичик мастерской жойлашган эди. Эндиликда биз Ўрта Осиё республикаларинигина эмас, балки Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларини ҳам электр асбоб-ускуналари билан таъминлаб келаётирмиз.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кўп йиллар ичида иттифоқ министрлиги бизга зарур материалларни ўз вақтида етказиб бера олмаганлигидан имкониятимиз даражасида ишлай олмадик. Аввало, корхонамиз ишлаб чиқариш учун зарур бўлган талайгина материалларни Ленинград, Москва, Запорожье сингари шаҳарлардан олар эди. Бу ҳол маҳсулот таннархининг қимматлашишига олиб келарди, меҳнат унумдорлигининг ошишига имкон бермасди.

Шуниси ажабланарлики, биз, ҳатто мана шу электр агрегатлари иккинчи коммутациясининг карболит қисмларини ҳам узоқ жойлардан келтиришга мажбур бўлар эдик. Бу деталь бизда жуда кўп истеъмол қилинади. Эндиликда уни ўзимиз ишлаб чиқараётирмиз.

Биз Тошкент иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгаши тузилганидан жуда миннатдормиз. Чунки заводимиз Совнархознинг бевосита раҳбарлиги туфайли жуда кўп тадбирларни амалга ошира олди.

Суратларда: (биринчи қаторда чапдан) «Чирчиксельмаш» заводининг кекса ва илғор ишчиларидан **Рўзи Қамбаров, Меҳритдин Сонбов** ва **Виктор Липилин,** (иккинчи қаторда) «Средазхиммаш» заводи подстанциясининг навбатчиси **Манзура Тошматова,** электрохимия комбинати марказий лабораториясининг ёрдамчи ишчиси **Назира Азизхўжаева** ўртоқлар.

25 ЙИЛ ИЧИДА

В. ҲАЙДАРОВ,

Меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Бундан чорак аср илгари мобода Хондайлиққа ёки Бўстонлиққа йўлингиз тушган бўлса, Чирчиқ тўқайзорларидан, ярим ботқоқ далаларидан ўтгандирсиз. Ўша вақтларда Чирчиқ дарёсининг ён тевараклари қўрқинчли даралар, ғоружарлар, ўтиб бўлмас тўқайзорлардан иборат эди, холос. Бу ерларда деҳқон экин экиб барака топмас, бино тиклаб ёлчимас эди. Чунки ҳайқириб оқаётган Чирчиқ дарёсининг сувлари тошиб экинзорларни ювиб кетар, не-не азоблар билан тикланган биноларни эса вайрон қиларди. Водида яшовчи аҳоли неча ўн йиллар давомида безгак чивинларидан азоб чеккан эди. Баҳор чоғлари бутун води бўйлаб сел келарди. Шунда аҳоли ҳам, бу ердан ўтувчи йўловчилар ҳам йўлни адр ва тоғ ёқаларидан солардилар.

Эндиликда ҳозирги Чирчиқ шаҳрини келиб кўрганлар биз тасвирлаган қадимги Чирчиқни кўз олдиларига келтира олмасликлари, бу жой ўшандай ёмон аҳволда бўлганлигига ишонмасликлари мумкин. Лекин чирчиқликлар, шу ерда яшаган ва улғайган ҳар бир киши бу гапларнинг ҳақлигига ишонади...

1932 йилнинг эрта баҳорида партия ва ҳукуматнинг қарори билан ана шу қадимий воҳада социалистик шаҳар қуришга киришилди. Тез вақт ичида бу ерга мамлакатимизнинг узоқ шаҳарларидан жуда кўп мутахассислар—инженер-техниклар, олимлар ва минглаб кўнгилли ишчилар, бинокорлар келишди. Улар асрлар бўйи беҳуда оқиб ётган Чирчиқ дарёси сувларини жиловлаш ва уни электр манбаига айлантиришга бел боғладилар. Ленинград ва Москвадан қудратли механизмлар—экскаваторлар, кучли генераторлар, автомашина ва тракторлар келтирилди. Бутун ўзбек халқи бўлажак индустриал Чирчиқни қуришга киришди. Минглаб ватанпарвар йигит-қизлар табиатнинг қайсарлигини синдириб, Чирчиқнинг юқори қисмида биринчи гидроэлектростанция плотинасини тикладилар. Кўп ўтмай, Чирчиқ атрофидаги қишлоқларда Ильич чироқлари нур сочди...

Шундан буён унча кўп вақт ўтмади. Бироқ мана шу тарихан қисқа вақт ичида Чирчиқ шаҳри ой сайин, кун сайин, соат сайин юксалиб борди. Чирчиқда бирин-кетин йирик саноат корхоналари қад кўтара бошлади. Эндиликда Чирчиқ саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот мамлакатимизнинг барча республикаларига, шунингдек халқ демократияси мамлакатларига жўнатилаётир. Ўрта Осиё республикалари келхоз ва совхозлари шаҳримизда ишлаб чиқарилаётган арзон ўғитларни, мукаммал машина ва механизмларни олиб, ғоят мамнун бўлмоқдалар.

«Электрохимия», «Чирчиксельмаш», «Средазхиммаш». «Электрощит» заводлари, пойафзал ва тикувчилик фабрикалари ишчилари, инженер-техник ходимлари халқ хўжалиги учун кўплаб турли хил машиналар, механизмлар, шунингдек истеъмол буюмлари етказиб бераётирлар. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ва турларини йил сайин кўпайтирмоқдалар. Ўтган 8 ой ичида саноат корхоналаримиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Шу давр ичида планга қўшимча равишда қарийб 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхоналаримиздан «Электрощит» «Средазхиммаш» каби заводларимиз Братск, Куйбишев, Усть-Каменогорск ГЭСларининг катта заказларини муваффақиятли суратда бажариб бераётирлар.

Партия ва ҳукумат шаҳримиз ишчилари ва хизматчиларининг маданий ҳаёт кечиришлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келаётирлар. Бу йил шаҳар ободончилиги учун, шунингдек уй-жой қуриш учун ажратилган маблағ ўтган йиллардагига нисбатан анча кўпдир. Кейинги 2-3 йил ичида жуда кўп миқдорда уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг талайгина қисмини кўп қаватли бинолар ташкил этади.

Меҳнаткашларга маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинди. 1932 йилга қадар бутун Чирчиқ водисидаги қишлоқларнинг барчасида атиги 2 та ўрта маълумотли медицина ходими ишлаган бўлса, ҳозирги вақтда фақат Чирчиқ шаҳрининг ўзида 155 врач, 400 ўрта медицина маълумотига эга бўлган ходим ишлаб турибди. 30 га яқин болалар боғчаси ва яслилар, бир нечта касалхона шаҳар меҳнаткашларига хизмат кўрсатаётир.

Кишини қувонтирадиган факт ва рақамлар ҳисобсиздир. Шаҳримизнинг мана шундай қисқа вақт ичида улкан индустриал шаҳарга айланганлиги Улуғ Октябрнинг буюк самараларидандир. Ҳар бир чирчиқлик шонли Октябрь революцияси келтирган фаровон ҳаётдан чексиз миннатдор. Шу сабабли ишчилар ва бинокорларимиз яқинлашиб келаётган улуғ айём кунини меҳнатда юксак ғалабалар билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ ҚУРИШ УЧУН

Шаҳар газетасининг 1936 йил сонларининг бирида шундай хабар босилган эди. «Бугун мактаб биноси қуриб битказилди: Бу объектда бир сменада 56 минг 860 дона ғишт терилди...» Мана шу оддий сўзлардан ўша вақтларда шаҳар қурилиши қандай катта суръат билан олиб борилганлигини кўриш мумкин. Чирчиқ қурилиши бошланган кундан то шу вақтга қадар бинокорлик ишлари бирзум ҳам тўхтаган эмас, балки аксинча, ривож топиб борди. Бу ерда неча юз минг квадрат метр уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиб, меҳнаткашларга фойдаланишга топширилди...

Бошқармамиз кейинги 8 ой ичида қарийб 2 минг квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга берди. Бундан ташқари, 2 та ёзги кинотеатр, 3 қаватли мактаб биносини қуриб битказдик.

Коллективимиз Октябрь 40 йиллиги кунигача аҳоли учун яна 2 минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб беришга аҳд қилган.

Бинокорлари м и з Москва, Ленинград ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидаги новатор-бинокорларнинг илғор иш тажрибаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб, қўшимча олган мажбуриятларини албатта бажарадилар. Агар бошқармамиз учун белгиланган бинокорлик материаллари системали суратда етказиб берилиб турса, коллективимизнинг ўз сўзи устидан чиқишига сира шубҳа қилмаса бўлади.

Д. СОКОЛОВ.

225-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

ЎҒИТ МЎЛ-КЎЛ БЎЛАДИ

Комбинатимиз йил бошидан бери Ўрта Осиё республикалари колхоз ва совхозларига белгиланганидан қарийб 6 минг тонна кўп ўғит ишлаб чиқарди. Йил бошидан буён ҳар бир ишчи, ҳар бир мастер ва аппаратчи ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни тўла бажариш учун курашиб ана шундай катта ютуқни қўлга киритди. Деярлик ҳамма цехларда маҳсулот таннархи камайди, меҳнат унумдорлиги эса ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан бирмунча ортди.

Албатта бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Аввало коллективимиз меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун ички резервларни ишга солди, ҳар бир ишчи ўз ишлаб чиқариш участкасида бирорта янгилик яратишга, илғорлар тажрибасини кенг қўлланишга ҳаракат қилди.

Бундан бир неча ой илгари ҳар бир цехда аппаратларни ремонт қилиш билан шуғулланадиган алоҳида бригадалар мавжуд эди. Бу бригадалар ҳали аппаратчилар ўз агрегатларини дуруст идора қила олмайдиган пайтларда тузилган эди. Эндиликда ҳар бир аппаратчи ўз касбининг чинакам устаси бўлиб қолди. Шу сабабли биз ремонтчилар бригадасининг ортиқча бўлиб қолганлигини амалда исботладик. Смена бошлиғи Анна Маслова ва аппаратчи Фотима Зайнутдинова билан биргаликда аппаратларни навбатма-навбат ремонт қилиш графигини тузиб чиқдик ҳамда буни системали суратда амалга ошириб турдик. Биз киритган таклифни барча цех аппаратчилари қўллаб-қувватладилар. Натижада илгари ремонт ишлари билан шуғулланадиган ишчилар бошқа ишларга ўтказилди. Бу йилига давлатнинг 40 минг сўм маблағини тежаб қолиш имкониятини берди.

С. БОЙҚЎЗИЕВ,

Электрохимия комбинати 3-цех аппаратчиси.

ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ...

Фабрикада хушчақчақлик, иноқлик, бардамлик, қайноқ меҳнат манзараси касб этган. Ҳар бир тикувчи қиз-жувон автомат-тикув машинаси олдида шонли меҳнат қўшиғини куйлаб, турли хил кийим-кечаклар тикаётир. Тикувчи қизлар бир-бирларини «сен»лаб исмларини айтиб чақирадилар. Бу яқинлик, дўстлик ифодаси, албатта.

Ҳу нарида болалар кийими тикаётган очиқ чеҳрали қизнинг овози жаранглади:

—Хатира, бир минутга келиб кет, ўртоқжон...

— Ҳозир, — дейди унга жавоб бериб, технолог-контролёр Хатира Мақсудова.

Контролёр комсомолка Нина Чепракова тиккан вильветкани синчиклаб текширар экан:

— Жуда яхши. Чокини яқинроқ олабер, чийдухоба мустаҳкам материал, ситилиб кетмайди...

9-тикув фабрикасида Нина Чепраковани танимаган киши йўқ. У, 5-цехнинг энг илғор, аълочи тикувчиларидан. Нина кўп марта маъмурият томонидан қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланган, раҳматномалар олган. Моҳир тикувчи шу кунларда айниқса ғайрат билан ишлаётир. Хатира Мақсудова Нина тўғрисида қувонч билан бундай дейди:

—Биласизми, ҳар бир ишга меҳр билан тутинсангиз албатта муваффақият қозонасиз. Нинада ана шу меҳр-муҳаббат кучли. Мана уч йил бўлдики, у илғорликни сира қўлдан бермай келаётир, зинҳор бракка йўл қўймайди. Унинг ишига ҳавасингиз келади!...

Суратда: Хатира Мақсудова (чапда) **Нина Чепраковани**нг ишини кўздан кечираётир.





Суратда: 1. Канал ёқасида. 2. Ленин проспектидаги кўпқаватли бинолар кўриниши. 3. «Средазхиммаш» заводи ишчиларининг Маданият саройи.

Р. Рустамов ва **А. Абдуазимов** фотолари.

Оҳангарон ГРЭС қурувчилари биринчи агрегатни 7 ноябрга қадар ишга тушириш мажбуриятини олганлар. **Суратда:** монтажчи-слесарь ўртоқ **С. С. Максимлюк** турбина қисмларини йиғмоқда. У, смена нормасини 150 процентга етказиб бажараётир.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Кўмир саноати учун ёш мутахассислар

Оҳангарон шаҳридаги тоғ техника билим юрти икки группадан иборат слесарь-монтажчи ва брикетчи мутахассислардан 41 ёшни тарбиялаб етиштирди. Шулардан тўрт киши имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди. Битирувчилардан 12 киши меҳнат резервлари бошқармасининг «Мақтов ёрлиғи» билан тақдирланди.

Ёш мутахассисларнинг ҳаммасита Оҳангарон кўмир ҳавзасида ишлаш учун йўлланма берилди. Улар кўмир разрези, «Подземгаз», ГРЭС, бойитиш ва брикетлаш фабрикаларида ишлайдилар. **М. ҲАМДАМОВ.**

Ўқувчилар ёрдами

Шу кунларда Қорасув районидаги Куйбишев номли 13-мактабнинг юқори синф ўқувчилари райондаги Ленин номли ва Хрушчев номли колхоз аъзоларига мева ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олишга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу ишда айниқса, мактабнинг 10-синф ўқувчилари ташаббус кўрсатиб ишлаётирлар. Ленин номли колхоз аъзолари мактаб ўқувчилари ёрдамидан беҳад хурсанд. Яқинда колхоз правлениеси мазкур мактаб ўқувчиларини телевизор приёмниги билан мукофотлади. **М. АЛИМОВ.**

Мактабда фотовиставка

Бекобод шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқувчилари Октябрь революциясининг 40 йиллигига атаб фотовиставка ташкил қилдилар. Виставкага қўйилган В. В. Соколовнинг «В. И. Ленин комсомолнинг III съездида», А. А. Дейнеконинг «Петроград мудофааси» расмлари ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

Мактабда Октябрнинг 40 йиллигига бағишланган лекция ва суҳбатлар ҳам тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда тарих ўқитувчиси ўртоқ Алиев раҳбарлигида «Октябрь революциясини тайёрлаш даврида Коммунистик партия», деган темада лекция ўқилди. **М. ҲАСАНОВ.**

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Қимматли ташаббус

Халққа хизмат кўрсатиш, кишининг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш нақадар шарафли иш. Шу масалада Тошкент область Орджоникидзе район Советининг соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг кўрсатаётган ташаббуси эътиборга сазовордир.

Доимий комиссиянинг ташаббуси билан бу йил район соғлиқни сақлаш бўлими район касалхонасига бирлаштирилди. Бу яхши натижа берди. Бир йилда 350 минг сўм тежаш имкони туғилди. Ҳозиргача тежалган маблағ ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ва Ядро физикаси институти қурилаётган ерда 2 та медицина пункти очилди. Район касалхонасининг бир неча қишлоқ медицина участкаларидаги штатлар кўпайтирилди. Маъмурий аппаратдан бўшаган медицина ходимлари қишлоқлардаги даволаш пунктларига тез-тез чиқиб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Агарда олдинги вақтларда район мутахассисларидан 5 киши қишлоқларга аҳён-аҳёнда чиққан бўлсалар, ҳозирги вақтда 16 та мутахассис мунтазам равишда колхозларга бориб турибди.

500 дан ортиқ мутахассис врач, фельдшер ва медицина ходимлари бирлашган район касалхонаси қайта қўшилгандан кейин кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда ҳар турли проблематик масалаларни муҳокама қилиб, ҳал этиш юзасидан медицина ходимларининг конференцияси ҳар ойда ўтказилиб турибди.

Меҳнаткашлар ўртасида медицина хизмати яхшиланди. Натижада юқумли касалликлар камайиб бораётир. Безгак касалининг манбаи тугатилди. Кейинги вақтларда бу касал билан оғриган бирорта ҳам киши бўлмади.

Барча даволаш муассасалари шу кунларда трахоматоз сингари юқумли касалликларни аниқлаш ва даволаш масалалари билан муваффақиятли шуғулланаётирлар. Текшириш ўтказилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 320 кишининг бу касал билан оғриганлиги аниқланди, улар тез фурсатда даволанди.

Қибрай қишлоғидаги касалхона врачлари меҳнаткашларга намунали медицина хизмати кўрсатиб, омма ўртасида катта обрў қозонаётирлар. Қишлоқ аҳолиси депутат-врач К. Т. Тошхўжаев ва врач П. Т. Захаров ўртоқларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Район касалхонаси аҳоли ўртасида медицина пропагандасини яхшилаш соҳасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилмоқда. Медицина ходимлари томонидан ҳар турли темаларда 428 лекция ўқилиб, уларга 25 мингдан ортиқ киши қатнашган. Бунда барча куч ва воситалардан тўла фойдаланилмоқда. Ўрта маълумотли медицина ходимлари меҳнаткашлар учун 481 та лекция ўтказдилар. Буларга 37 мингдан кўпроқ киши жалб этилган. Колхоз радио узеллари орқали эса 86 та лекция ўқилган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари районда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Сталин номли колхозда фильтрохлоратор установкаси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Хрушчев номли колхозда қурилаётган фильтрохлоратор установкаси эса битиш олдида турибди. «Қизил Ўзбекистон» колхозида артезиан қудуғи қазилди, дам олиш уйи ва кексалар учун алоҳида уйлар қурилмоқда. «Ленинград» колхозида янги ҳаммом қурилди. У ҳозир колхозчиларга яхши хизмат қилмоқда. «Сталинград» колхозида қурилаётган 10 та ўринга эга бўлган касалхона ва туғруқхона эса битиш арафасида.

— Ишимизда камчиликлар йўқ деб бўлмайди, — дейди район касалхонасининг бош врачи ўртоқ М. И. Броманская.—Соғлиқни сақлаш масаласи район Советининг сессиясида муҳокама этилди. Ишимиздаги кўп нуқсонлар очиб ташланди, уларни тезда бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Биз врачлар аминмизки, район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида ҳамда депутатларнинг актив ёрдами билан ишимиздаги камчиликларни тезда бартараф қиламиз ва халққа медицина хизматини янада яхшилаймиз.

А. ИСМОИЛОВ.

Бугунги Солдатское қишлоғи

Чор армиясининг ҳарбий хизматидан бўшаган бир неча солдат атрофи тўқайзорликдан иборат бўлган ҳозирги Солдатское қишлоғида истиқомат қилиб қолди. Улар деҳқончилик билан шуғулландилар. Йиллар ўтиши билан бу ерга атроф қишлоқлардан аҳоли кўчиб келабошлади. Қишлоқ тўқайзорни ўзлаштирган солдатлар номига қўйилди. Шундан бошлаб бу ер Солдатское қишлоғи деб аталабошланди.

Солдатское фақат Октябрь революциясидан кейингина обод бўла бошлади. Бу ерда уй-жой бинолари кўпайди, ариқ-зовурлар қазилди, минглаб дарахт кўчатлари ўтказилди. Айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейин Солдатское қишлоғи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтда бу ерда маҳаллий саноат комбинати, каноп заводи ишлаб турибди. Қишлоқда касалхона, амбулатория, мактаб, клуб, кутубхона ва бошқа маиший муассасалар аҳолига маданий хизмат қилмоқда. Сўнгги йиллар ичида қишлоқ территорияси уч баравардан зиёдроқ кенгайди, аҳоли сони кўпайди. Ҳозир бу ерда ишчилар посёлкаси вужудга келаётир. Ўтган йили 100 га яқин ишчи-хизматчи янги уйга кўчиб кирди. Ҳозир биргина каноп заводининг ишчиларидан 30 га яқини ўзлари учун уй-жой қурмоқда.

Қуйи Чирчиқ район маркази — Солдатское қишлоғи кўркам қишлоқлардан бирига айланиб бормоқда. Қишлоққа борадиган кўчалар асфальтланди, республикамиз пойтахти ва атроф районлар билан қишлоқни боғловчи транспорт қатнови яхшиланди. **М. ҒОЗИЕВ.**



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ҳузурида адабиёт музейи очилди. **Суратда:** музей илмий ходимларидан **Х. Расулев** (чапда) ва **И. Ражабов** ўртоқлар нодир қўлёзмалар билан танишмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Уй-жой қурувчиларга 750 минг сўм ссуда берилди

Социалистик Чирчиқ шаҳрида уй-жой фонди борган сари кенгаймоқда. Саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари давлат томонидан берилаётган ёрдам туфайли ўзлари учун янги уй-жой бинолари қуриб олмоқдалар. Уй-жой қурилишининг кўламини тасаввур этиш учун қуйидаги фактни келтириш кифоя: шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида Давлат банки томонидан қурувчиларга 750 минг сўм ссуда берилди. 1956 йилда эса шахсий уй-жой қурувчиларга ҳаммаси бўлиб 150 минг сўм ссуда берилган эди.

Келаси йилдан бошлаб шахсий уй-жой қурувчиларга давлат томонидан узоқ муддатга қарз бериш янада кўпаяди. Шаҳар атрофида яқин келажакда типовой проект асосида қурилган, архитектура жиҳатидан гўзал бўлган уй-жой бинолари — посёлкалар қад кўтаради.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Район алоқа бўлими хизмати яхшиланмоқда

Чиноз район алоқа бўлими яқиндагина қуриб битказилган 8 хонали янги кўркам бинога кўчирилди. Бу янги бинода шаҳарлараро телефон алоқаси боғлашга имкон берадиган янги аппарат ўрнатилди. Шунингдек, абонентлар учун бир нечта кабиналар қурилди. Махсус кутиш хонаси бўлиб, унга газета ва журналларнинг янги сонлари қўйилган.

Бу ерда омонат касса, газета-журналлар тарқатувчи, посилка ва бандероллар қабул қилувчи бўлимлар ишлаб турибди. Ҳозир район марказидаги партия ва совет муассасалари ҳамда МТС автомат-телефонга эга бўлди. Бундан ташқари, районлаги колхозлар, қишлоқ Советларида ҳам автомат-телефон точкалари ўрнатиш тадбирлари кўрилмоқда.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Чет элларда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кеча кундузги мажлисидаги умумий сиёсий дискуссияда Боливия, Сальвадор ва Судан вакиллари қатнашди.

Боливия ташқи ишлар министри Мануэль Баррау Пелаэс Бирлашган Миллатлар Ташкилотини кам тараққий қилган мамлакатларни иқтисодий ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришга чақирди.

Боливия делегати, «баъзи индустриал мамлакатлар» томонидан хомашё товарлардан олинадиган пошлиналарни ошириш соҳасида ўтказилаётган сиёсат экономикаси бир-икки хил хомашё ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган мамлакатлар учун жиддий хавф туғдирмоқда, деди. Боливия вакили «қандай индустриал мамлакатларни» назарда тутганлигини айтмади, лекин Қўшма Штатлар шундай сиёсат ўтказаётганлиги ҳаммага маълумдир.

Сальвадор вакили Уркиа Хавфсизлик Кенгашида муҳим масалалар юзасидан овоз беришда буюк давлатларнинг якдил бўлиши тўғрисидаги қоидага қарши яна ҳужум қилди.

Сўнгра, сўзга чиққан Судан делегациясининг бошлиғи Усмон, «мустамлакачилик системасини емириб ташлаш» мустаҳкам тинчликни таъминлайдиган муҳим шартлардан бири эканлигини кўрсатиб ўтди. Кучли давлатларнинг кучсиз давлатларни идора қилиш ҳуқуқидан абадий воз кечиш керак, деди у. Биз, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат устидан иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилишини қоралашимиз лозим.

Судан вакили, жаҳон бозорида хомашё нархларининг пасайиб ва ўзгарилиб туриши шу молларни ишлаб чиқараётган ва кам тараққий қилган мамлакатларнинг оғир иқтисодий аҳволини бундан ҳам баттарроқ ёмонлаштирмоқда, деди. У, хомашёнинг одилона гарантияланган нархларини белгилаб берадиган халқаро конференция чақиришни таклиф қилди.

15 минутлик танаффусдан кейин мажлис Хавфсизлик Кенгашининг Даг Хаммаршельдни навбатдаги беш йил муддат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари қилиб сайлаш тўғрисидаги тавсиясини кўриб чиқиш учун яна тўпланди.

Яширин овоз бериш натижасида Бош Ассамблея Даг Хаммаршельдни (Швеция) яна беш йил муддатга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари қилиб 80 овоз билан сайлади. Овоз беришда бир бюллетень ҳақиқий деб топилмади.

Овоз беришдан кейин янги сайланган бош секретарга сўз берилди. Хаммаршельд ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига иккинчи муддатга бош секретарь қилиб сайланганлиги учун ташаккур билдирди ва бу мансабда туриб, ўз вазифамни бажармоқ учун бутун кучимни сарф қиламан, деб Бош Ассамблеяга ваъда берди.

Бир қанча делегатлар Хаммаршельдни бош секретарь бўлиб сайланганлиги муносабати билан табрикладилар.

СССР вакили В. В. Кузнецов бундай деди:

Биз, Хаммаршельд жанобларининг ташкилотимиз фаолиятига тааллуқли бир қанча масалаларда кўрсатган ғайратига лозим бўлган даражада баҳо берамиз. Шу билан бирликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти тўғрисида гапирганимизда, шуни айтмасдан ўта олмаймизки, — бош секретарь ҳам менинг бу фикримга қўшилади, деб ўйлайманки, тинчликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган кўпгина проблемалар ҳал қилинишини ҳали ҳам кутиб турибди. Шу муносабат билан истак билдириб айтмоқчиманки, сиз, Хаммаршельд жаноблари бош секретарь вазифасида яна беш йил ишлашингиз давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз олдида турган вазифаларни амалга оширишда анча кўпроқ муваффақиятлар қозонишини тилайман.

Халқлар ташкилотимизнинг тинчликни сақлайдиган ва хавфсизликни таъминлайдиган чин восита бўлишини табиий равишда истайдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ишончни мустаҳкамлашни таъминлайдиган қилиб янада активроқ ишламоғи учун, халқлар ва давлатларнинг ижтимоий тартибларидан қатъий назар, улар ўртасида кенг ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бермоқ учун бир талай имкониятлар ва бир талай воситалар бор.

Совет вакили Хаммаршельдга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган олижаноб вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилади ва умумий тинчликни сақлаб туриш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида ташаббус ва ғайрат кўрсатиб ишлашингизда СССР Сизни тўла равишда қўллаб-қувватлайди, деб ваъда берди.

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг эрталабки ялпи мажлисида бўлган умумий сиёсий дискуссияда Филиппин, Албания, Бирма ва Эквадор вакиллари сўзга чиқди.

Филиппин делегати Ромуло Совет Иттифоқига, Хитой Халқ Республикаси ва «халқаро коммунизмга» нисбатан ёвуз туҳматдан иборат нутқ сўзлади.

Филиппин вакили атом қуролини тақиқлашга ва бу қурол синовларини тўхтатишга қарши чиқди ҳамда бошқа давлатларнинг территорияларида америка ҳарбий базаларининг сақланиб қолишини ва зўр бериб қуролланишни давом эттиришни ёқлаб гапирди.

Албания делегациясининг бошлиғи ташқи ишлар министри Бехар Штюла совуқ муносабатлар уруши сиёсати ва агрессив ҳарбий блоклар тузилаётганлиги сабабли давом қилаётган зўр бериб қуролланишнинг хавфини уқтириб ўтди. Қуролсизланиш, деди у, ҳозирги замоннинг жуда муҳим проблемаси бўлиб, инсониятнинг тақдири шу проблеманинг ҳал қилинишига боғлиқ, деган фикрга ҳамма қўшилади.

Албания делегати қуролсизланишга доир жузъий тадбирлар тўғрисида Совет Иттифоқининг таклифини қувватлаб, АҚШ ва Англия вакиллари ядро қуролини тақиқлашни ҳатто, Бош Ассамблеяда ҳам ёқламаганликларига, балки бу қуролни такомиллаштириш ва унинг синовларини давом эттириш тарафдори бўлиб гапирганликларига эътиборни жалб қилди. Ғарб давлатларининг таклифлари, деди у, қуролсизланишга йўл очиб бермайди. Бу таклифлар шу мамлакатларнинг қуролсизланишни истамаганликларини ниқоблайдиган таклифлардир.

Штюла уқтириб айтдики, ядро қуроли синовларини 2-3 йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида СССР таклифларининг қабул қилиниши қуролсизланиш соҳасидаги бошқа масалаларда битимга келишга йўл очиши ва бутун халқаро аҳволга бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Албания делегати Чехословакиянинг атом радиациясининг оқибатларини ўрганиш тўғрисидаги таклифини ҳам қувватлаб гапирди.

Албания делегати Румыния вакилининг Болқон мамлакатлари ҳукуматлари бошлиқларининг конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифини қувватлади.

Бирма делегациясининг бошлиғи У Тан, қуролсизланиш масалалари Бош Ассамблеянинг бу сессиясида биринчи навбатда муҳокама қилинсин, деган фикрни айтди.

АВСТРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВА ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА МУЗОКАРАЛАР

ВЕНА, 27 сентябрь. (ТАСС). «Фолькештимме» газетаси хабар беради: Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари Ф. Хоннер ва Ф. Хексман 19 сентябрдан 25 сентябргача Белградда бўлдилар ва у ерда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзолари Э. Кардель ҳамда И. Веселинов ва Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг аъзолари М. Тодорович ва В. Влахович билан музокаралар олиб бордилар.

Хабарда айтилишича, самимият вазиятида ўтган музокаралар натижасида ҳар иккала қардош партиялар ўртасидаги дўстона муносабатлар батамом тикланди ва мустаҳкамланди.

МОСКВА «СПАРТАК» ФУТБОЛЧИЛАРИ ТУРКИЯГА УЧИБ КЕТДИ

Пойтахтдаги «Спартак» футбол командаси 27 сентябрда Москвадан Туркияга учиб кетди. Спартакчилар турк спортчилари билан ўртоқлик матчларида учрашадилар. (ТАСС).

КОРОЛЬ САУДНИНГ ДАМАШҚДА АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ, 27 сентябрь. (ТАСС). Сурия бош министри Сабри Асали Саудия Арабистони короли Сауд шарафига зиёфат берди. Король Сауд шу зиёфатда сўзлаб, фақат Сурия халқи орасидагина эмас, шу билан бирга, барча араб халқлари орасида ҳам ташвиш туғдираётган ёлғон овозалар зўр бериб тарқатилиб турган бир пайтда мен Сурияга келдим, деди.

Сауд Сурияга ёки бошқа ҳар қандай араб мамлакатига қарши қаратилган ҳар қандай агрессияни қоралайман, Суриянинг мустақиллигига қарши қайси томондан агрессия бўлса ҳам, бунақа «ҳар қандай агрессияга қарши ўзимизнинг суриялик қардошларимиз ва барча араблар билан бирликда курашаман» деб айтди.

Сауд, Сурия ўзининг қўшниси бўлган мамлакатлар учун хавфли бўлиб қолмоқда деб ғарб пропагандаси томонидан тарқатилаётган уйдирма туҳматларга тўхталиб, бундай деди: Сурия ҳеч қачон ўз қўшнилари учун бирор хавф туғдириши мумкин эмас. Бундай фикрни айтишнинг ўзи ҳам бемаънииликдир. Суриянинг сиёсати араб мамлакатлари иттифоқининг принципларига, араб давлатларининг коллектив хавфсизлиги пактига, араб мамлакатлари билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликка таянади. Суриянинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг ҳарфига ва руҳига асосланади».

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 27 сентябрь. (ТАСС). Франция маъмурлари ҳафталик «Франс нувель» ва «Авангард» газеталарини мусодара қилганликлари муносабати билан бугун «Юманите» газетасида Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда бундай дейилади: «Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси матбуот эркинлигига қилинган бу янги ҳамлага қарши қатъий норозилик билдиради ва барча демократларни бу ўзбошимчаликка қарши чиқишга чақиради. Бу тадбирлар ишчилар синфининг, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг, демократлар ва ватанпарварларнинг қатъий зарба беришларини талаб қилади».

Аденауэрнинг «Орор» газетаси мухбирига айтганлари

ПАРИЖ, 27 сентябрь. (ТАСС). «Орор» газетаси Бонндаги ўз мухбирининг канцлер Аденауэр билан қилган суҳбатини босиб чиқарди. Аденауэр, қуролсизланиш масаласида «битимга келишга руслар астойдил манфаатдордирлар», Совет Иттифоқининг янги уруш бошлаши» «мутлақо бўлмайдиган гап» деб эътироф қилди. Шу билан бир вақтда, Ғарбий Германия канцлери ўз фикрига қарши чиқиб, СССР ва социалистик лагерь мамлакатлари «эркин дунёга», яъни капиталистик мамлакатларга хавф солмоқдалар, деб ўзининг одатда айтадиган гапларини такрорлашдан қайтмади. Аденауэр «бундесвер энг замонавий қурол билан, яъни атом қуроли билан қуроллантирилиши лозим» деди.

Ғаразгўйлар

Редакцияга келган, роса 15 қоғозга зич қилиб ёзилган мактубни ўқисангиз кайфингиз учади, ваҳима босади, ноҳатки ҳозир ҳам мактабларда шунақанги бемаъниликларга рўй-рост йўл қўйила берса, педагогика қоидаларига мутлақо зид ҳаракатлар қилинаберса, деб ўйлайсиз, ёқангизни ушлайсиз.

Эмиш, Бўстонлиқ районининг Боғистон қишлоғидаги Садриддин Айний номидаги тожик ўрта мактаб директори Орифжоновнинг қуюшқондан ташқари ҳаракатлари оламга сиғмас эмиш. У «ўтакетган безори, инжиқ, хиёнатчи...», қўйингчи дунёда ундан ёмон одам йўқ эмиш. Лекин мактубнинг авторлари — шу мактабнинг собиқ директори Мансуров, ўқитувчи Камолов ва собиқ илмий мудири Масиддиновлар қўй оғзидан чўп олмаган, мусичадек мўмин, қўйдек ёввош эмишлар. Орифжонов эса виждонсиз, ичи қора эмиш-у, авторларнинг диллари сутдан ҳам оппоқ ва пок эмиш.

Уёқ-буёғини суриштирмай шу хатга амал қилган киши чиндан ҳам юқоридагидек хулосага келиши, ҳамма қорани биргина Орифжоновнинг юзига суриши турган гап. Мана шу мактубдан ҳеч бўлмаса икки шингил ўқиб кўринг:

«Мактаб директори Орифжонов монтёр Аширметовни физика ўқитувчиси қилиб тайинлади, унга 8-9-синфларнинг практикум дарсини топшириб қўйди».

«9-10 синфларда тожик адабиёти ва грамматикасидан дарс бериш вазифаси мутлақо тожикчани билмайдиган Мақсудовга зўрлаб топширилди. Мақсудов бу ишни эплай олмайман, тожикчани билмайман деб директорга ва район халқ маорифи бўлимига ариза берса ҳам ҳеч ким қулоқ солмади».

Демак, Аширметов билан Мақсудов директорнинг амри билан ўқимасдан мулла, чўқимасдан қарға бўлиб қолган эмишлар. Демак, директор хоҳласа саводсиз одамни бир юмалатиб билимдон, бир юмалатиб ўзбек ўқитувчини тожикча дарс бера оладиган ўқитувчи қилиб қўя олар эмиш. Авторларнинг бу сўзларидан чиқадиган хулоса мана шундай. Хатнинг давомидаги 20 моддадан иборат бошқа далиллар, бошқа даъволар ҳам худди шундай руҳ ва шундай мазмунда бурмалаб ёзилган.

Масалан, хатда: ўқитувчилардан Маҳмудов, Абдуллаев, Турсунов, Давлатов, Тўлаганов ва бошқаларни Орифжонов турли найранглар билан бўшатиб юборди, Орифжонов дарс бермай ўзига ортиқча дарс соатлари ёзиб пул олди, дейилади.

Хўш, бу гаплар, бу даъволар тўғрими? Бу хат самимият билан ёзилганми, ёки ўч олиш учун атайлаб ўйлаб чиқарилганми?

Мактаб идорасида Мақсудов, Мансуров, Камолов, Масиддинов, район халқ маорифи бўлимининг инструктори Лим, ўқитувчилардан Ҳаитов ва бошқалар ўтиришибди. Мактаб директори Орифжонов юқоридаги даъволарни эшитиб фиғони осмонга чиққундай бўлди. У қизишиб:

— Буларнинг ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси туҳмат, — деди.

— Сизча ёлғон бўлса ҳам, бизнингча тўппа-тўғри, — дейди Мансуров мағрурона. Унинг бу сўзларини Камолов билан Масиддиновлар жўр бўлиб тасдиқладилар.

Улар бир-бирларига дўқ уришади, уларнинг кўзлари чаноғидан чиққундай бўлади. Ўзини педагогларнинг пири деб ҳисоблаган Мансуровнинг оғзидан боди кириб шоди чиқади, ҳатто бебо сўзларни ишлата бошлайди.

Ниҳоят фактларга мурожаат этишга тўғри келди. Ана Аширметовнинг ҳужжатлари солинган папка. Унда Аширметовнинг нотариус конторасй томонидан тасдиқланган, электро техникумни битиргани ҳақидаги дипломнинг копияси, район халқ маорифи бўлимининг уни ўқитувчи қилиб тайинлагани ҳақидаги буйруғи турибди. Диплом билан буйруққа Мансуров кўз югуртириб чиққач, ҳанг-манг бўлиб қолди. Лекин ўжарлик, ғайирлик, ичиқоралик билан суяги қотган Мансуров бу ҳужжатларга ишонмагандай калласини чайқаб қўйди. Аммо факт Мансуровнинг ўжарлигидан ҳам ўжар эди.

Энди ўтирганлар мактаб илмий мудири ўртоқ Мақсудовга мурожаат қилдилар. Мақсудовнинг миллати тожик бўлиб, маълумоти олий экан.

— Сиз нима учун тожикчани билмайман деб ариза бердингиз?

— Ўзим тожик бўлатуриб нима учун тожикчани билмайман деб ариза берар эканман, бунақа қилиш менга нима учун керак экан? Ёлғон гап! — деди Мақсудов.

— Ёлғон гапирманг, — ариза бергансиз, мен сизни район халқ маорифи бўлимига кетаётганингизни ўз кўзим билан кўрганман, нимага тонасиз? — дейди Мансуров.

— Район халқ маориф бўлимига борган киши тожикчани билмайман деб ариза берган бўладими? Бўлмаган гапни қўйсангизчи!

Юқорида номлари кўрсатилган ўқитувчилар Орифжонов томонидан эмас, балки район халқ маорифи бўлими томонидан маълумоти тўғри келмагани учун бўшатилгани маълум бўлди. Бошқа даъволар ҳам тасдиқланмади. Мактабда бундай камчиликларнинг юз беришида шу авторларнинг ўзлари ҳам жавобгар ва шерик. Лекин улар бу айбларни Орифжоновга ағдармоқдалар.

Масалан, қишлоқда катталар учун очилган мактабда 14 ўқитувчидан фақат Мансуров билан Эрназаров деган ўқитувчи бир соат ҳам дарс бермаган. Аммо Мансуров ўзининг бу айбини Орифжоновга ағдарган. Катталар мактабида ўқиш бўлмади деб жар солган.

Область халқ маориф бўлими томонидан ўтказилган текшириш вақтида аниқланган бундай фактлар 1957 йил 23 апрелда район партия комитетининг бюро мажлисида кенг муҳокама қилинган.

Лекин кишини таажжубда қолдирадиган нарса шундаки, бюро мажлисида фақат Орифжоновга партиявий чора кўрилган, бошқаларга ҳеч нарса дейилмаган эди.

Ҳатто бюро қарорида мактабда тарбиявий ишларни яхшилаш ўрнига айрим ўқитувчилар нуқул бирбирларини қоралаш учун бир-бирларининг устидан материал тўплаш билан шуғулланиб, мактабда тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганликлари алоҳида қайд этилган. Аммо тиниқ сувни лойқатиб юрувчиларга нисбатан бирор чора кўрилмаган. Шунинг учун улар яна авжга чиқмоқдалар. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дегандай, Мансуров, Камолов ва Масиддиновлар яна ўз манфаатларини кўзда тутиб қилдан қийиқ қидирмоқдалар. Педагогикага мутлақо хилоф ҳаракатларга йўл қўймоқдалар. Улар мактабда нормал ижодий шароит вужудга келтириш, камчиликларни биргалашиб тугатиш ўрнига ўтган гапларни қўзғаб юрибдилар.

Бу аҳвол район партия комитети, район ва область халқ маорифи бўлимларига отнинг қашқасидек маълум, уларнинг раҳбарлари мактабда нормал ва соғлом шароит вужудга келтириш лозимлигини бир оғиздан тасдиқлайдилар. Орифжонов ҳам, Мансуров, Камолов ва Масиддиновлар ҳам бир жойда ишлай олмайди, энди уларни бу мактабда ўқитувчи қилиб қолдириш мумкин эмас дейдилар. Бироқ бу муҳим чорани амалга оширишга улар нимагадир ботинмайдилар. Орқага сурадилар, холос. Ғаразгўйларга нисбатан чора кўрмайдилар.

Айний номли мактабда соғлом шароит вужудга келтириш, у ерларнинг ҳавосини янгилаш керак. Бу қанча тез қилинса шунча яхши.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ҳиндистоннинг атоқли жамоат арбоби Тошкентга келди

Ҳиндистон республикасининг атоқли жамоат арбоби Махавир Таяги 28 сентябрда Ўзбекистон пойтахти Тошкентга келди.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети таклифига биноан СССРга меҳмон бўлиб келган Махавир Таяги республикада бир неча кун туради. У, ўзбек халқининг турмуши ва маишати билан, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятлари билан танишади. (ЎзТАГ).

СУДАН ДЕҲҚОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифига биноан, Суданнинг Ғазира районида ерни ижарага олувчилар союзининг шу союз раиси Аҳмад Бабекир Ализерик бошчилигида Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган делегацияси 28 сентябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Судан деҳқонларининг вакиллари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан танишдилар. Улар бир қанча колхозлар, машина-трактор станциялари, республиканинг қишлоқ хўжалик илмий-текшириш муассасалари ва маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрдилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар.

Делегация аъзоларидан бири, суданлик деҳқон Муҳаммад Абдулла Алвали матбуот учун берган баёнотида бундай деди:

—Биз ўзбек деҳқонларининг бадавлат ва бахтиёр бўлиб яшаётганликларини кўрдик. Улар ўз меҳнатлари учун катта-катта даромад олмоқдалар, уларнинг радио ва электрли яхши квартиралари бор. Колхоздаги болалар яслилари, мактаблар бизга жуда ёқди. (ЎзТАГ).

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ

ШИЛПИЛДОҚ

Ўзбек адабиёти ва санъатининг келгуси йил Москвада бўладиган декадасига ёзувчиларимиз катта совғалар тайёрламоқдалар.

Ёзувчи М. Исмоилий ҳам ўзининг «Фарғона тонг отгунча» романини нашрга тайёрламоқда. Бунда Ўрта Осиё халқларининг 1905 — 1907 йиллардаги оғир ҳаёти, камбағал деҳқонларнинг ер учун, сув учун, инсоний ҳуқуқлар учун золимларга қарши олиб борган кураши ҳикоя қилинади.

Биз шу романдан «Шилпилдоқ» бобини босдик.

Матқовул аканинг чордеворига бир аёл шип этиб кириб кетди. У Ҳаёт эди.

Ҳаёт ичкарига кириши билан бошидаги чопонини олиб ташлаб, ўзини қоронғу кулбага урди. У ғоят ҳаяжонли эди. Салтонбу қиз юзини кўриб, қўрқиб кетди. Уйда биров ўлса ё шунга ўхшаш ёмон иш бўлса, одамнинг юзи шунақа ўзгаради.

— Вой айланай, нима бўлди сизга? — деб юборди Салтонбу. Ҳаётхон бутун оғирлиги билан ўзини ерга гурс ташлаб ўтирганда, у «Мастон кампир кўққисдан узилибнетиб қолдими», деб ўйлади-да, шошиб сўради: — Катта бувингиз эсон-омон юриптими?

Ҳаёт бош тебратди, кейин қуришган лабларини зўрға қимирлатиб, сув сўради.

— Сувми, айланай? Бор, булоқ суви бор. Худо олсин ўша мачитнинг сувини! Кўм-кўкариб, қурт босиб кетипти, сузиб ҳам ичиб бўлмайди, бирам сассиқ!

Салтонбу гапириб юриб қора, эски, учиқ ёғоч чўмичда сув келтирди. Бир вақтлар чўмичга сингиб қолган мой ҳиди бурунга уриб туришига қарамай, Ҳаёт чўмичдаги сувни тагигача шимирди. Кейин, нафасини зўрға-зўрға олиб туриб, сўради:

— Эрингиз Ғуломжон тўғрисида ҳеч нима демадими?

Савол Салтонбуни ҳайрон қилди. У ғалати бўлиб:

— Ҳеч нима демади-ю, — деди. Кейин ташвиш еб сўради: — Бир нима бўптими Ғуломжонга?

— Вой холажоней, бир нимаям гапми? Мингбоши ўлгирнинг шилқим қизи бошини айлантираман деб балога қўйипти!..

— Жўрапошшами? — ҳовлиқиб сўради Салтонбу.

— Ҳа. Менга маржонини тердириб қўйиб, ўзи Ғуломжонларникига тушипти. Ғуломжон тўғри одам, биласиз. Гапига қулоқ осмаса, қаматиб, отасига тергов қилдирипти. Мен жувон ўлгурларникида бехабар ўтираверибман. Бир вақт Каромат опа кириб айтмайдими — жонпоним чиқиб кетди. Катта бувимга ҳам қарамай орқасидан чопдим, уйида ҳам, кўчада ҳам йўқ. Бегонадан сўрашга тилим бормади. Поччам билар деб кирувдим...

— Йўқ, ҳеч нима демади. Бир нима бўлса айтарди,—деди Салтонбу. Унинг ишонч билан айтган сўзлари Ҳаётни ўзига келтирди. Тўғридан ҳам Ғуломжоннинг бошига тушган савдодан Салтонбу бехабар эди.

Шу дам эшикдан Мастон кампирнинг:

— Ҳой, Салтон, Ҳаёт киргани йўқми?—деган шанқиси эшитилди.

Ҳаёт билан Салтонбу эшикка югуриб чиқди.

— Мана мен, эмасизми? — деди хуноб бўлиб турган Ҳаёт, жаҳли чиқиб. — Кўланкадай орқамдан юрганингиз юрган!

Тишлари тушиб, жағи-жағига киришиб кетган катта бувиси ҳассасини ерга тақ этиб урди-ю, куришиб, эти суягига ёпишиб кетган башарасини тириштириб, шанқий бошлади:

— Ҳа, жувон ўлгур, орқангдан юрсам нима кипти? Худо кўтарсин сен инжиқ бўрозни! Узоқдаги қуйруққа кўз тутгунча, яқиндаги ўпкага «ҳа» деб қўяқолсанг-у, мен ҳам орқангдан саргардон бўлиб юрмас эдим, бедаво! Мунча керилмасанг, Мадамин хўжанинг қари қизи!

— Ҳай, холажон, қўйинг унақа қарғаманг! Ёмон гапиргани йўкку, шунгаям шунчами? Қани, уйга киринг. айланай Мастон хола, — деди Салтонбу. кампирнинг ҳаёсиз гапларидан хижолат тортиб.

Ҳаёт юзини беркитиб йиғлай бошлади. Ўзи не аҳволда эди-ю, яқин кишисидан яна шундай хўрлик кўриш — ўлганнинг устига чиқиб тепгандай бўлди.

— Мени нима учун бундай қийнайсиз, нима учун бундай хўрлайсиз, катта буви? Хўжа бўлиб туғилганим учун мен гуноҳкорми? Кошкийди қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг таънангизни, сассиқ сўзларингизни эшитмас эдим!..

Салтонбу яна ўртага тушди, Ҳаётни қучоқлаб, қиз юзини кўксига босди.

— Қўйинг, айланай, йиғламанг. Майли катта бувингиз, хафа бўлманг, жонимни қоқай, — деди у.

Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай Мастон кампир унинг тутоққан ўтини ловуллатди.

— Оёғинг келишмаган, шумпешона экансан! Этак йиртиш қилиб қўйган куёвинг Ҳаждан қайтмади.. Нима бало, худо кўтардими, дарак ҳам бўлмади.

Ҳаёт ичидан отилиб чиққан хўрликка чидай олмай йиғидан мўлт-мўлт тўкилаётган кўз ёшларидан ўзини тутолмай фиғон қилди:

— Ана шу худо кўтарганга илҳақ бўлиб-ку, мени ғунчалигимдан сўлдирдингиз! Хўжадан чиқса: «Унашиб қўйганимиз бор, Ҳажда» дедингиз! Қорачадан чиқса: «Қорачага тушиб қолган хўжа қизи йўқ!» деб қувдингиз! Қилар ишни ўзингиз қилиб, мени сўлдириб, тириклайин ўлдириб, энди «бўроз» деб...

Ҳаёт гапиролмади, хўрлик тугуни бўғизига келди, мунгли овози кўз ёшларига кўмилди. Салтонбу қиз бошини қучоқлаб бағрига босди.

Мастон кампир, неварасининг йиғлаб туриб қилган зорига қарамай, яна тишлаб-тишлаб олмоқчи бўлди, лекин шайтонга ҳай берди.

— Мингбошиникида қиёмат тўпалон, — деди у, гапни бошқа ёққа айлантириб. — Чуволтириқнинг шаллақи қизини қиморбоз эри тутиб олиб, чунонам урдики, итнинг боласиниям ҳеч ким бунақа урмайди.

Шу чоғ қийигига бир нима тугиб, Матқовул шошиб кириб келди. Ҳаёт юзини беркитди.

— Қани-қани, меҳмонлар, ичкарига! Мана, ун топиб келдим, овқатни бирга қиламиз, — деди Матқовул, кулбасига ўтиб кетаётиб.

Кампир қуллуқ қилиб, чиқиб кетди. Ҳаёт сув ичиш баҳонаси билан орқада қолди. У Ғуломжоннинг нима бўлганлигини билмоқчи эди. Салтонбуга айтиб, эридан сўратди. Бирпасдан кейин Салтонбу чўмичда сув кўтариб чиқди-да:

— Ғуломжонни мингбоши қамаб қўйган экан, Тешабой сўраб олибди. Ҳозир Қудрат тақачиникида бир қўғирчоқбоз билан учови таплашиб ўтирган эмиш. Гузардан ўтиб келаётиб кўрипти, — деди.

Ҳаёт чўмичдаги сувни ҳам ичмай, суюниб чиқиб кетди.

Салтонбу кулбага қайтиб кирганда, Матқовул қийиқдаги серкепак буғдой унни олдига очиб қўйиб, тамоша қилиб ўтирар эди. Бурчакда касал ётган қизи ҳам бошини кўтариб, қийиқдаги унга кулиб қараб турарди. У синиқ, хаста товуш билан:

— Зоғара унми, ота? — деб сўради.

— Йўқ, қизим, буғдой ун, ҳа!— деди отаси, кейин ундан бир чимдим олди-да, оғиз суви билан ҳўллаб, икки бармоғи орасида ишқаб кўрсатди. — Мана, буғдой ун, қизим, ҳа! Биласанми, қаердан олиб келдим, қизим? Барака топгур Ғуломжонларникидан. Ҳадича холанг тугиб берди. Товба, менга ун кераклигини қаердан билди экан-а? Авлиё, авлиё!

Салтонбу ҳам ичилмаган сувни кўрага қайтариб тўкди-ю, шошиб келиб, ун ёнига чўнқайди. Қийиқдаги ун ун эмас-у, анқонинг тухумидек, анқайиб қараб қолди. Пўстакда сўлжайиб ўтирган сут ориқ боланинг нурсиз кўзлари ҳам ўртадаги унда эди. Тўрт жуфт кўзни ўзига боғлаб олган эди у серкепак қора ун!

Матқовул ҳали этагини йиғиштириб олмаган, илжайиш билан хотинидан сўради:

— Нима овқат қилсак экан, а?

— Қанча ўзи? Юз пайсага ўхшайдими![1]

— Йўқ, кўпроқ! — деди Матқовул, «бир ботмон!» дегандек керилиб, — увра ош қилсак ҳам бўлади. Манжуза қилсак ҳам бўлади. Лағманга гўшт керак.

Бир бурда нонни ҳам бугун бир тишлам, эртага бир тишлам еб ўрганиб қолган жонсарак Салтонбу эрининг катта кетишига рози бўлолмасли. Шунинг учун:

— Увра ош дейсиз, манжуза дейсиз, эртага нимани ейсиз? — деди у, зарда аралаш бир таъна билан.— Ундан кўра озгина ёғ топиб келинг, ёғлаб бир атала қилайликки, оғизда қолсин!

Кўзлари мултиллаб, унга гиргиттон бўлиб ётган қизи:

— Бувижон, — деди ялинган товуш билан, — озгинадан есак ҳам бир манжуза қилиб беринг, жон буви!

Салтонбу болаларининг гапини қайтармас эди. Уясида ҳали патлаб битмаган қанотчаларини қоқиб, силкиниб, тумшуқчалари билан онасига талпиниб турган бабажўш чумчуқ бола сингари жовдираб, қалтираб ётган оч болага қандай йўқ дея олади?

— Хўп, айланай қизим, зора дардингга дармон бўлса! — деди Салтонбу. У шу ёқимли сўзлари билан Матқовулнинг юрагида ҳали паслай бошлаган умид чироғини яна кўтарди. Ўтирган чол бола ҳам суюниб илжайди. Касал қизнинг кўзлари порилладй. Қоронғи кулбага қандайдир ёруғ киргандек бўлди.

Салтонбу уч еридан қадоқланган, четларини худди биров ушатиб егандек камшик, эски пиёлада намакоп қилди. Кейин бир лаби синиқ, тагигача ёриқ сопол лагани, кераксизлигидан токчада чанг босиб ётган супрани ун ёнига олиб келди. Унни эламасдан, йирик-йирик кепаклари билан лаганга солди. Ҳаммасини эмас, ярмини солди! Қорий бошлади. Уникидан ташқари яна олти кўз лаганга тикилиб турди.

— Яна пича солсакмикан? — деб сўради эридан Салтонбу.

Қориётган хамири кўзига оздек кўринган эди. Матқовул, «ҳа» дейишини ҳам, «йўқ» дейишини ҳам билмай, бир лагандаги хамирга, бир қийиқдаги унга қарар эди. «Ҳа» деса эртагилик уннинг баракаси учади, «йўқ» деса — бугунги овқатнинг мазаси қочади. Уни бу оғир иккиланишдан яна Салтонбунинг ўзи қутқазди.

— Хайр, пича солайлик, эртага умоч қилармиз жуда бўлмаса, — деди у, эрига қараб. Эри бир нима демади. Шундай бўлса ҳам, хотинининг ун кўтарган ҳовучига қараб:

— Кўп кетди! Кўп кетди! — деб жағиллади.

Салтонбу ҳовучидаги уннинг ярмини қийиққа қайтариб тўкди.

— Хамир яхши қорилса, баракаси ҳам яхши бўлади, — деди Матқовул, яхши сўзи, яхши маслаҳати гўё хамирни кўпайтирадигандек.

Хотини индамади. Кучининг борича, жонининг борича хамирни муштлаб қорир эди.

Салтонбу хамир қориб туриб:

— Ёғ топинг, — деди эрига. Бу Матқовулга, эрининг бечоралигига қарамай: «Боринг, менга атлас кўйлак олиб келинг» деган инжиқ хотиннинг нозидек эшитилди.

— Ёғ? — деди капалаги учиб Матқовул.

— Ҳа, ёғ! Ёвғон манжуза бўлармишми? Пиёз билан доғлаб устидан ёғ сепмаймизми?

— Бунисини-ку биламан-а, — деди Матқовул юраги тўкилиб, — лекин ёғни қаердан оламан? Қассобдан қарзга ботиб, кўзига кўринишдан қочиб юрибман-у ўзим!

— Қандоғ қилдик бўлмаса?, — деди Салтонбу, қўлларига ёпишган хамирни уқалаб туширар экан.

Бу ишкал — ёмон ишкал бўлди. Ҳамма ўйланиб қолди. Чол боланинг сўлжоқ бетлари яна баттар сўлжайди. Касал қиз юзини деворга ўгириб олди. Матқовул қийиқдаги унга, Салтонбу эса эрига қараб ўтирар эди. «Наҳотки манжуза бўлмаса?» — Лобар қиз онасига қаради: кўзлари нам эди.

— Бувижон, — деди у, онасининг маъюс юзига термилиб, — Ширмон холамданми ё Турсун келин бувимданми қарз олиб турсангиз бўлмасмикан? Отам пул топганда қайтариб берамиз...

— Айланай қизим, — деди онаси, юраги эзилиб. — Ширмонхолангдан уни-буни сўрайвериб бетимда бет қолмади, болам, Турсун келин бувинг бўлса, биздан баттар, — Замон камбағаллигидан ялангоёқ юрипти, бизда бўлса биз беришимиз лозим. — Салтонбу ўйланиб қолди, ўйланиб туриб ўзича сўзларди. — Ҳаётхонлардан сўрасам бўларди-ю, лекин катта бувиси ўлгудек қуримсоқ, хасис хотин, бермайди.

— Катта бувисини қўй, неварасидан сўра, ҳа! — деди Матқовул.

Охирги маслаҳат ҳам, қарор ҳам шу бўлди. Салтонбу пиёлани қолган намакопдан бўшатди-да, уни қўлтиғига қисиб чиқиб кетди.

Кулбадагилар зўр ҳаяжон ва кемирувчан ваҳим билан қараб қолишди. Матқовул унни боғлаб бир четга сурди. Сут ориқ ўғлини қўлига олиб, касал қизининг ёнига келди. Қизнинг ҳам кўзларида ваҳим бор эди. У тўкилиб турган юрагига отасидан мадад сўраётгандек:

— Олиб чиқармикан, ота? — деб сўради.

Отаси ҳам шуни билгиси келар, отаси ҳам тўкилиб турган юрагига мадад истар эди.

— Олиб чиқади, — деди у, ишонч билан. Бу ишонч унинг ўзига ҳам, қизига ҳам мадад, юракларига қувват бўлди...

Матқовул қизининг сўлиб бораётган нурсиз кўзларига, сўлғин юзларига қараб, раҳми келди. Боёқиш қизини касал чангалидан қутқазиб ололмаётгани учун ичидан эзилди. «Дори-дармон бўлмаса, қаратишга табиб бўлмаса, мулла ўқигани, эшон дам солгани, бахши кўчиргани билан касал тузалмаса»,— деб хафа бўлди. Чиндан ҳам, ўтган ҳафта бозорбошлик бахши хотин келиб кўчирди. Эшикка катта ўт ёқди, ўт атрофида гир айланиб қўлидаги мис товони данғиллатди, ўзи ирғишлади, сакради, силкинди, ҳайқирди, қичқирди, қоч-қочлаб дўқ урди, қиз бечорага ёпишиб олган жинларни, девларни қувди. Энг охир рўзада ҳам, ҳайитда ҳам ўзлари сўймай сақлаб юрган биттаю-битта хўрозларининг калласини кесиб қонини қизнинг пешонасига, иягига суртди-ю, бошқа назру ниёзлар билан бирга хўрозни ҳам халтасига тиқиб олиб кетди. Ана шунда Матқовул анча чиқимдор бўлди. Бир хўрозидан айрилди, лекин қизига бундан ҳеч қандай наф бўлмади — қизининг дарди оғирлашса оғирлашдики, енгиллашмади. Энди кимга арзини айтади? Кимдан ёрдам сўрайди? Кимга боласини боқизади? Ҳеч ердан, ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам кутолмасди, чунки бу нарсаларнинг ўзи йўқ эди...

Салтонбу оғзи қулоғига етиб кирди. Қўлидаги пиёла тўла ёғ эди.

— Бахтимга қуримсоқ кампир йўқ экан, — деб қувониб гапира кетди Салтонбу. — Қарасам: Ҳаётхон айвонда йиғлаб кашта тикиб ўтирипти. Қўлимдаги пиёлани кўриб: «бўлса-бўлмаса ёққа чиққандир» деб ўйлади шекиллик, хумда уруғлаб ётган ёғидан тўлдириб берди. Ёққа чиққанимни дарров билиб олганини қаранг? Зийрак қиз-да, бахтинг очилгур...

Матқовулнинг кенг дунёдаги тор кулбасида тантана бутун дабдабаси билан бошланди. Мўл ёғни кўриб, Салтонбунинг ўзи ҳам мойдай эриб кетди. Манжуза эмас, шилпилдоқ қилиб берадиган бўлди. Буни ўзи айтди!

Қозон осилиб, хамир ёйилаётган пайтда Матқовулнинг беш ёшли Ўрмонжон, етти ёшли Турғунжон, тўққиз ёшли Раҳматжон деган уч ўғли югуриб кирди. Ҳаммасининг ҳам эгнида биттадан жулдур иштон, баданларининг қолган ери очиқ, кир, қора, чанг-тупроқ эди. Шўх Ўрмонжон чопиб келиб отасининг бўйнига осилди-да, чиройликкина оғизчасини отасининг қулоғига яқин келтириб:

— Қандақ овқат қиляпмиз? — деб сўради.

Отаси Ўрмонжон сингари шивирламади, у ҳаммага эшитдириб, танталали қилиб жавоб берди:

— Шилпилдоқ!

Болалар чапак чалиб юборишди, суюнчлари ичига сиғмасдан ирғишлашди. Шу чоғ Салтонбу юпқа ёйилиб, кичик боласининг шапалоғидай-шапалоғидай қилиб кесилган шилпилдоқ хамирини элак билан товоққа териб олиб чиқди. Бу оталаридан эшитган хушхабарни тасдиқлагандай бўлди.

— Менга қара, ўғлим, — деди Матқовул, Раҳматжонни чақириб.— Ғизиллаб бориб мачитдан сув келтир, анави ерга соч, жой қил. Очиқда ўтириб, мазза қилиб ейлик овқатни. Чопа қол, ўғлим.

Уч ўғлоннинг учови ҳам, бири устига сим ўтқазиб пақир қилинган эски бўёқ идишини, бири пачоқ кўрани, бири синиқ кўзани кўтариб, чопқиллаб кетди. Матқовул зўр тантана билан шилпилдоқларни қайнаб турган қозонга битта-битталаб ташлай бошлади. Салтонбу эса чой қайнатиладиган кичик ўчоғда ёғни қизитиб, устига майда қилиб тўғралган икки бош пиёзни ташлади. Болаларни жаз-бизи ва думоқларни қитиқлаган ёқимли ҳид қучоқ очиб қаршилади. Болалар ёқимли ҳавони ичларига тортиб, чуқур-чуқур ҳид олар, қилаётган маззаларини баҳам кўрмоқчи ё мақтанмоқчи бўлгандай бир-бирларига қараб, бурунларини шигиллатиб тортар эдилар.

—Қани, бўлларинг, сувни соч, азаматлар, ҳа! — деди Матқовул, эшикни босиб кетган ёқимли ҳид завқини олаётган болаларини шоштириб.

Уч ўғлон уч тарафдан сув соча бошлади. Сув билан келган майда итбалиқлар ерга тушиб узунчоқ думларини қилпиллатишар, сакраб қочишар эди. Турғунжоннинг кўзасидан битта бақа ҳам чиқди. Ерга тушиб қоча бошлади... Болалар бақага, итбалиқларга қараб кулишар, ёнларига сакрашиб келиб қолса, вой-войлаб қочишарди. Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил куртлар тушган ерида бир-икки қилпанглаб дарров ўларди. Энди бу ерни супириш, сув билан келган итбалиқлардан, куртлар ўлигидан, бақатўр ва бошқа ахлатлардан тозалаш керак бўлди. Раҳматжон отаси боғлаган чирайли бурган супурги билан ерни бир зумда тозалади, оиланинг бирдан-бир полоси бўлган кўчма пўстакни олиб чиқиб, тўрга—иззатли ўрнига солди. Унда оила бошлиғи ва болагардони Матқовул қоровул ўтиради. Кейин Лобар қизни ҳам суяб олиб чиқишди. Унинг жойини ҳозир ҳашаматли меҳмондорчилик бошланадиган ерга эъзозлаб солишди. Лобархон оёқларида зўрға турса ҳам, нур кўрганиданми ё думоғини қитиқлаётган ёқимли ҳидданми, ҳар қалай тинмай жилмаяр эди.

Матқовул камбағалнинг уйидан исмини қолдириб, жисмини қачонлари олиб кетган шилпилдоқ устига сепилган пиёз доғи билан сопол товоқда жими-жими қилиб турарди. Ўн нафар кўз йўл кўрсатиб турган беш нафар қўл ўзини бараварига товоққа урди. Салтонбу қўлидаги чол боласига қадоқ пиёлага солиб берди. Лобархон боя хамир қорилган синиқ лаганда еди. Ҳаш-паш дегунча катта товоқнинг таги кўринди. Салтонбу товоқни иккинчи марта тўлдириб келди. Шапалоқ-шапалоқ бўлиб ётган юпқа хамирни пиёз доғига булаб урардилар. Бу товоқ ҳам узоқ умр кўрмади, уни учинчи марта тўлдириб келди. Энди бояги тезлик, шошқинлик бўлмаса-да, лекин сабот бояги эди. Ҳамон калла кўтармай олардилар. Ўрмонжон кичкинагина оғзини хамирга тўлдириб, акаларига кўз-кўзлаб қарар, акалари ҳам айн хурсандчилик билан жавоб қилар, чол бола шилпилдоғини еб бўлиб, ҳадеб пиёласини узатар, Лобар қиз ҳам иккинчи лаганни тагига тушириб борар эди. Четдан қараб турган киши: «Булар умрида овқат кўрмаган очарвоқлармн?» деб ўйлаши мумкин эди. Ким нима ўйласа-ўйлайверсин, лекин булар умрида овқат кўрмаган очарвоқлар эмас! Булар «камбағалнинг тўйгани — ярим бой бўлгани» деб овутган замонасининг оддий одамлари, бир кун еб, беш кун оч юрадиган миллион-миллион камбағал оилаларнинг бири, холос! Агар булар шунчалик шошиб, ҳаддан ташқари тошиб еган бўлсалар—бунга ҳам ажабланишнинг ҳожати йўқ—овқат тансиқ, егувчилар оч эди. Не ажаб, нодир меҳмон ҳамиша шундай ҳарорат билан қарши олинади!

Шундай қилиб, қозон бир соатгина аввал қай аҳволда бўлса, яна ўша ҳолига қайтди—ўчоғдан туширилди, баланд токчага тикка қилиб қўйилди...

1 Ҳозирги ўлчовда — икки килодан камроқ.

Илғор киномеханиклар

Область кино ходимлари Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллик байрами шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар ялпи жамғарма тўплаш, киносеанс кўрсатиш ва тамошабинларни жалб қилиш 8 ойлик планини муддатидан олдин 107 процент бажардилар.

Сирдарё район кинофикаторлари мусобақада айниқса яхши натижаларга эришдилар. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистон Маданият министрлиги, маданият ходимларининг республика союзи ва область маданият бошқармасининг кўчма Қизил байроқларини бир неча ойдан бери ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар.

Мусобақанинг 8 ойлик якуни кўриб чиқилди. Байроқ бу гал ҳам сирдарёликларда қолди. Улар қишлоқ киноустановкалари бўйича белгиланган йиллик планларни муддатидан олдин бажардилар. Киномеханиклардан Панченко, Головин ва Олейников ўртоқлар айниқса намунали ишладилар. Улар йил охиригача қўшимча юз минг сўм ялпи жамғарма тўплаш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек мусобақада Қуйи Чирчиқ, Қорасув ва Оржоникидзе район кино ходимлари ҳам аҳоли ўртасида кино кўрсатиш ишларида яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ҳам 8 ойлик планларини ошириб бажардилар. Қуйи Чирчиқ районидан Ан Антон, Константин Ким, Қорасув районидан Алексей Ким, Тошкент районидан Муҳамедов ва Габидуллин ўртоқлар каби илғор киномеханиклар фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ белгиланган йиллик планларини бажариб қўйдилар. Улар шу кунларда 1958 йил ҳисобига ишламоқдалар.

У. МАДРАҲИМОВ.

Тошкентдаги Ленин кўчасида сотувчисиз савдо қилувчи янги магазин очилди. Магазинда турли хил нон-булкалар сотилмоқда. **Суратда:** харидорлар магазинда.

Б. Фомичев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа хабарлар

ТОШКЕНТ. Бешёғоч колхоз бозорида гўшт-мой, сут-қатиқ сотиладиган янги павильон қурилиб, ишга туширилди. Павильонда холодильник ва бошқа зарур анжомлар бор. Павильон қуришга ажратилган маблағдан 11 минг сўм иқтисод қилинди.

С. ҲАМРОЕВ.

* * *

ЧИРЧИҚ шаҳрида автомат-телефон станцияси қуришга киришилди. Станция шаҳарнинг марказий майдонидаги кўркам бинога жойлашади. Ҳозир зарур ускуналарнинг кўпгина қисми келтирилди. Янги станция 2 минг обонентга хизмат қилади.

В. ШУШЕВСКИЙ.

* * *

ОКТЯБРЬ районидаги Хрушчев номли колхозда кексалардан 34 кишига пенсия тўланмоқда. Бу кексалар илгари колхозда узоқ йил самарали меҳнат қилганлар. Шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида кексаларга ўзаро ёрдам кассаси фондидан пенсия тариқасида 30 минг сўмдан ортиқ пул тўланди. Бундан ташқари, колхоз правлениеси ҳеч кими йўқ ёлғиз кексалардан 11 кишининг уйини ремонт қилиб бермоқда.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Калинин районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхозда чорвачилик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ерда бузоқларни боқиш ишига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. **Суратда:** тажрибали бузоқбоқар ўртоқ **Дани Катия** ўз боқимидаги бузоқлари билан бирга.

Ж. Ваҳобов фотоси.

РЕПОРТАЖ

Ёшлик карнавали

«Победа» маданият ва истироҳат паркига пойтахтнинг турли томонидан келаётган ёшларнинг кети узилмайди. Улар бу ерга Киров район ёшлари уюштирган карнавалга таклиф этилган.

Карнавал! Ёшлик ва қувноқлик карнавали сайилларига қатнашиб, шодлик тантаналарининг шоҳиди бўлишни ким истамайди, дейсиз. Ҳар бир йигит ва қиз карнавал кечасига ошиқади; ўз талантини, маҳоратини намойиш қилиб кўрсатишни истайди.

Кечга яқин карнавал кечаси тантана тусини олабошлади. Паркнинг қаерига борманг шоду-хуррамлик. Иноқ ва ажралмас дўстларнинг ўйин-кулгилари кечани янада жонлантириб юборган. Ёшлар бу карнавални «байрам карнавали—Улуғ Октябрь революциясининг шонли 40 йиллик юбилейи олди карнавали» деб аташган. Бу бечиз эмас, албатта. ...Паркнинг очиқ эстрадасида берилаётган катта тамоша кўп кишини ўзига жалб этган. Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари бу кечага янги программада концерт тайёрлашган. Программа номерлари бирин-кетин ижро этилади. Хор коллективи «Ленин ҳақида қўшиқ»ни маҳорат билан ижро этади. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг чиқиши тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. «Ватан», «Пахта» ҳақидаги қўшиқ ва мелодияларнинг ёқимли садолари янграйди.

Ана саҳнада ёш раққоса Матлуба Азимова. У, ўзбек халқ ўйинларини жуда яхши ижро этмоқда. Матлуба рақс санъатини қунт билан ўрганмоқда. У, бадиий ҳаваскорлик тўгарагига мунтазам равишда қатнашиб, кўпгина рақс ўйинларини ўрганиб олди.

Ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали лауреати К. Алиева ҳам ўз санъатини намойиш қилди. Унинг «Ҳиндча ўйин»и тамошабинларга манзур бўлди.

Шунингдек бу ерда ижро этилган интермедия, ҳазил ўйини ва лапарлар ҳам ёш талантлар ижрочилик маҳоратининг ўсиб бораётганлигини кўрсатди.

Паркнинг «Комсомол йўлка»сига одам сиғмайди. Биз бу ерда райондаги 1-тикув заводи бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг концертини тингладик. Улар карнавал костюм ва маскаларини кийиб олишган. «Марказий йўлка»га тўпланган ёшлар «Топишмоқли ўйин»ни бошлаб юборишди. Жавоблар осонлик билан ҳал қилинади. Фан ва техника янгиликларига оид саволларга, айниқса, дарҳол жавоб қайтарилмоқда. Бурхон Расулов бу ўйинда энг кўп ютуқ олди.

Ўйин-кулги тобора авж олади. Радиокарнайдан дикторнинг «Ҳозир Ўзбекистон давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти бошланади» деган овози эшитилади ва у ёшларни Марказий эстрада саҳнасига таклиф этади. Концерт жуда кўнгилдагидай бўлди. Ёш артистларнинг маҳорати ҳаммага ёқиб тушди... Карнавал кечаси ҳамон давом этарди. Парк осмони ёришиб кетади, мушакбозлик бошланади.

Район комсомол комитети ва парк ходимлари томонидан уюштирилган карнавал ярим кечагача давом этди.

А. АЛИЕВ.

Дала шийпонларида сотувчисиз магазин

Бекобод район савдо ташкилотлари пахта йиғим-терими бошланиб кетган шу кунларда қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишни яхшиламоқда. «Гулистон» ва Навоий номли колхозларнинг дала шийпонларида Қўштамғали селпоси томонидан сотувчисиз магазинлар ташкил этилди.

Навоий номли колхознинг 8,9 ва 10-бригадаларида қилинган савдо яхши натижа берди. Савдонинг бевосита дала шийпонларида ташкил этилиши колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишларига ёрдам бермоқда.

А. АҲМЕДОВ.

ҲОДИСА

Давлат мулкини талон-торож қилувчилар қўлга тушди

Тошкентдаги 1-босмахонадан бир куни умумий баҳоси 4400 сўмлик бўлган 400 метр коленкор ва 200 метр ледерин материаллари ўғирланди. Милиция ходимлари фурсатни қўлдан бермай, чаққон ҳаракат қилиб, давлат мулкини талон-торож қилувчиларни қўлга туширдилар.

Ўғриларнинг бири муқовалаш цехининг бошлиғи Туҳфатулла Обидов ва иккинчиси шофер Олимжон Каримжонов экан. Ўғрилар ледерин ва коленкордан уйида чемодан ясовчи, Муборакша Бухориев деган кишига сотганлар. Босмахонадан ўғирланган бу материал китоблар муқовасидан тежаб қолинган экан. Обидов ва Каримжонов қамоққа олинди. Ўғирланган материални сотиб олгани учун Бухориев ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IX ва 1/X да **Чин муҳаббат.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IX да кундуз **Травиата,** кечқурун **Жизель.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Боши очиқ.**

«ИСКРА» (қишки) — 1 ва 2-залда кундуз ва кечқурун, кеч 8 ярмдан ҳамма залда **Боши очиқ.** 3-залда эрталаб соат 10-20 минутдан кеч 6-10 минутгача **Улар йўлда учрашдилар.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 да **Улар йўлда учрашдилар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

30 сентябрда

ҚИШКИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

София Мар иштироки билан 2 бўлимда **«СИҲРЛИ КЕЧА»** деган комедияли тамоша.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилмоқда.

Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида

30 сентябрда

Ўзбек давлат филармонияси **АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ** 2 бўлимда

катта концерти

Концертда Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева** қатнашади.

Программада: ўзбек, хоразм, рус, уйғур, тожик, қорақалпоқ ва ҳинд халқларининг ашула, рақс ва музикалари.

Программани **М. Қориев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 4 дан сотилади.

1 октябрдан

МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ВА РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИГА

1958 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, почтамтларда, алоқа конторалари ва бўлимларида, шунингдек почтальонлар томонидан ҳамда завод, фабрика, шахта, кон, янги қурилиш, МТС, совхоз, колхоз, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Матбуот тарқатиш бўлими.

Қорасарой кўча, Бежитский проезд, 13-а уй, 7-квартирада турувчи **Эркин Қаюмовнинг** Қоратут кўча, 3-тупик, 12-уйда турувчи Раъно Қаюмовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

«Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 04992. № 1850.